Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 22-yanvar, payshanba, **04 (584)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru,** web sayt: **www.21asr.uz**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ:**

| | | |
|---|---|---|
| **Фарманов Александр Касимович** | — | «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси — бош директори |
| **Санакулов Кувандик** | — | «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори |
| **Тян Валерий Николаевич** | — | «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори |
| **Салихов Шавкат Исмаилович** | — | Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти |
| **Усманов Мираброр Зуфарович** | — | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси |
| **Сафоев Содиқ Солихович** | — | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси |
| **Рахманкулов Мир-Акбар Ходжи-Акбарович** | — | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари |
| **Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович** | — | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари |
| **Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович** | — | Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси |
| **Артикова Светлана Баймирзаевна** | — | Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари |
| **Камилов Халиджан Махамаджанович** | — | Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси профессори |
| **Зуфаров Махамаджан Заирович** | — | «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси |
| **Аллиярова Айсанем Жолдасбаевна** | — | Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| **Йўлдошев Ниғматилла Тўлқинович** | — | Ўзбекистон Республикаси адлия вазири |
| **Раматов Ачилбай Жуманиязович** | — | «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси |
| **Алимова Гавхар Зайировна** | — | «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари |

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 январь

# ҚУЛАЙ ШАРОИТ САМАРАСИ



*Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида мазкур соҳа вакилларининг саноат ишлаб чиқаришидаги улуши тобора ортиб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга кўпайиб боряпти.*

*Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Lyuks plyus servis» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай қулай муҳит туфайли 2010 йилда ташкил этилган. Костюм-шим ва курткалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу корхонага «Асакабанк»нинг 1 миллиард сўм миқдоридаги кредити эвазига Германия, Япония ҳамда Хитойдан энг замонавий дастгоҳлар олиб келинган.*

*— Бир юз етмиш киши меҳнат қилаётган корхонамизда 100 дан зиёд моделдаги 7 хил маҳсулот тайёрланмоқда, — дейди мазкур МЧЖ директори Аюбхон Бобомирзаев. — 2014 йилнинг ўзида 56 та янги иш ўрни очиб, шундан 36 тасига коллеж битирувчиларини қабул қилдик. Сифатли маҳсулотларимизни ички бозор эҳтиёжлари учун чиқаришдан ташқари, унинг маълум қисмини экспортга йўналтиришга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, поёнига етган йилда режадаги 150 мингдан бир мунча кўп, яъни 192 минг долларлик маҳсулотни яқин хорижга сотишга эришдик. Навбатдаги режаларимиз ҳам улкан. Импорт ўрнини босувчи эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарадиган цех биноси қурилишини давом эттиряпмиз.*

*Эътиборли томони шундаки, корхонада 2013 йилда жами 2 миллиард 900 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 3,5 миллиардни ташкил қилиши баробарида экспорт миқдори 2,5 баробар ошди.*

Солиҳ ЗОИР олган суратлар.

## «Ўзагросуғурта» Олий судни ютди

**Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мусобақада вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат 12 жамоа 3 гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашди.**

**— Кубок баҳсларини ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилди, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Рашид Толипов. — Бу эса турли идоралар ходимлари ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни соғлом турмуш тарзига жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.**

**Финал ўйинида «Ўзагросуғурта» вакиллари Олий суд жамоасини 5:4 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритди. Фахрли учинчи ўрин Давлат солиқ қўмитаси жамоасига насиб этди.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ.

## Мен нега O`zLiDePга аъзо бўлдим?

**Ўтган йили ўз бизнесимни очдим. Очиғи, кичик корхона ишини йўлга қўйиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида қийинчиликларга дуч келишимдан чўчигандим. Лекин барча ҳадикларим асоссиз бўлиб чиқди**

**Гулноза ҲАСАНОВА,**
Яккасарой туманидаги «Гулноза текстиль» МЧЖ раҳбари

Юртимизда тадбиркорларнинг эмин-эркин иш юритишига қулай шарт-шароит яратилганига ўз тажрибамда ишонч ҳосил қилдим. Тадбиркор нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши, балки амалиётда ундан фойдалана олиши керак экан. Хуллас, фаолиятнинг нечоғли самарали кечиши ишбилармоннинг ўзи, иқтидори ва уқувига боғлиқ, деб баралла айтишим мумкин.

Дастлабки олти ой мобайнида 110 млн. сўмлик сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришганимизнинг ўзиёқ кўп нарсадан, хусусан, вужудга келтирилган қулай муҳитдан далолат беради. Ана шундай ижобий натижаларга эришишга O`zLiDeP ҳам муайян ҳисса қўшаётганлиги кўзга ташланмоқда. Аслида тадбиркорлар сафига қўшилишимга ҳам ушбу партия тадбирлари туртки берди, десам янглишмайман.

2014 йилда партия Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган бир неча мулоқотда иштирок этгандим. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳматулла Каримовнинг давра суҳбатларидаги гапларидан шуни англадимки, тадбиркор фойда кўриш учунгина ҳаракат қилмайди. Бугунги ислоҳотларга бевосита дахлдорликни сезган ҳолда фаолият кўрсатади. O`zLiDeP эса ўрта қатламнинг салоҳияти тўла рўёбга чиқиши учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Қонун ижодкорлиги, депутатлик сўрови ва назорати, партиявий лойиҳалар, мулоқотлар, танловлар, кўргазмалар, бошловчи тадбиркорлар учун бепул маслаҳатхоналар, ўқув курслари... Ҳаммасини санаб чиқиш мушкул. Эътироф этиш керакки, партиянинг «Кучли ўрта синф — рақобатбардош иқтисодиёт — фаровон мамлакат» деган Сайловолди шиорида, астойдил мушоҳада юритиб кўрилса, жуда теран мазмун бор. Қисқаси, ушбу сиёсий кучнинг дастурий ғоялари сиёсий қарашларимга ғоят уйғун. Шу боис O`zLiDePга аъзо бўлишга қатъий қарор қилдим. Келгусида корхонамда либерал-демократик ғояларнинг чинакам тарафдорларини бирлаштирган БПТ ташкил этиш ниятидаман.

**МУНОСАБАТ, МУЛОҲАЗА, МУҚОЯСА**

## Ойдин ҳаёт ёғдуси

**Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида Юртбошимиз уй-жой фонди майдони 1,9 баробар ошганини алоҳида таъкидлади**

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Президентимиз бозор иқтисоди ва демократия йўлида қадам қўяётган давлатнинг дон, нефть қарамлигига барҳам бериш баробарида қишлоқ фуқароларига қўшимча томорқа ва якка тартибда турар-жой қуриш учун ер майдонлари ажратгани кечагидек кўз олдимизда.

Ушбу тадбир юз минглаб оилаларнинг қозонини қуюқроқ қайната бошлади. Бунга қўшимча равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қишлоқнинг эшигини қоқди. **ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ҚАНОТ ЁЗДИ. ҚИШЛОҚ ФУҚАРОСИ МУЛК ЭГАСИ БЎЛДИ. ЕРНИ УЗОҚ МУДДАТГА ИЖАРАГА ОЛДИ. ЎЗ КОРХОНАСИНИ БУНЁД ЭТДИ. РАҚОБАТБАРДОШ, ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИГАН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРДИ.** Талаффузида «экспорт, инвестиция, диверсификация, менежмент» деган иборалар пайдо бўлди. Гўзал яшашни ўрганди. Энди унга гўзал ва муҳташам турар-жой керак эди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги 11800 дан ортиқ қишлоқ аҳоли масканида 15 миллион нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Шундай шароитда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган қишлоқда турар-жой қурилишини янги босқичга кўтариш дастури туб бурилиш ясади. 2009-2014 йилларда 1233 қишлоқда 44557 та якка тартибдаги уй-жой қад тиклади. Уларнинг умумий майдони 5 629400 квадрат-метр бўлиб, ушбу бунёдкорлик ишларига жами 4 триллион 636 миллиард сўм капитал маблағ йўналтирилди. Агар 2009-2011 йилларда қишлоқларимизда 15047 та ана шундай уй барпо этилган бўлса, 2012 йилда — 8510, 2013 йили — 10000, 2014 йили эса 11000 оила ҳовли тўйлари ўтказди. Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам 12000 та муҳташам уй барпо этилади.

2

**БУГУНГИ СОНДА:**


**ЖАРАЁН** Миллион долларлик экспорт шартномаси 3



**ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА** Таянч тузилмаларнинг кучи нимада? 5



**ХАЛҚАРО ҲАЁТ** «Темир тулпор»лар таъсири 7



**СЎНГГИ САҲИФА** Мельбурн стадионидаги муваффақият 8




**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК:**

## Ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт омили



**Мустақилликнинг илк йилларидаёқ давлатимиз раҳбари халқимиз тарихи ва менталитети, маҳаллий шарт-шароит ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига асосланган миллий иқтисодиётни шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқди**

Ушбу стратегия ислоҳотларнинг барча босқичларида янгиланиб, такомиллаштирилиб борилди. Натижада қисқа вақт ичида жамият ва иқтисодиётнинг объектив қонунларини ўзида мужассамлаштирган янги тараққиёт йўли — беш тамойилга асосланган миллий модель яратилди. Уни дунё давлатлари тан олди ва бир қатор мамлакатлар ўз тажрибаларида қўллай бошладилар.

Мазкур моделнинг энг кучли жиҳатларидан бири шуки, мулкчиликнинг турли шакллари, биринчи навбатда, хусусий секторнинг иқтисодиётимизда етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш устувор йўналиш сифатида танланди.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат эканлигини юрак-юракдан ҳис этган Юртбошимиз одамларнинг яратувчанлик ғайрат-шижоати қайта қанот ёзиши, уларнинг дардига айланган муаммолар ечими калитини топиш учун энг ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб иш тутди.

3

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 20 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1994,93 | 1 АҚШ доллари | 2430,17 | 1 Хитой юани | 391,02 | 1 Туркия лираси | 1042,59 | 10 Япония иенаси | 207,53 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3678,31 | 1 Миср фунти | 337,52 | 1 Малайзия ринггити | 682,25 | 1 Швейцария франки | 2797,80 | 1 Россия рубли | 37,29 |
| 1 Дания кронаси | 378,01 | 1 Исландия кронаси | 18,42 | 1 Польша злотийси | 651,14 | 1 ЕВРО | 2862,94 | 1 Украина гривнаси | 153,83 |
| 1 БАА дирҳами | 661,63 | 1 Канада доллари | 2031,24 | 1 СДР | 3456,97 | 10 Жанубий Корея вони | 22,55 | | |

«XXI ASR» 2015-yil 22-yanvar, payshanba, 04 (584)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru



# Ойдин ҳаёт ёғдуси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
«XXI asr»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида ватандошларимизнинг уй-жой шароитлари тубдан яхшилангани, умумий уй-жой фонди майдони 1,9 баробар ошгани, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида пишиқ ғиштдан қурилаётган уйларнинг «шифтлари баланд ва хоналари шинам, ёруғ» эканлиги, «ҳеч бир жиҳатдан шаҳардан қолишмаслиги» алоҳида таъкидланди. Шуниси қувончлики, давлатимиз раҳбари 2015 йилнинг 7 январида «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Бу муҳим ҳужжатда «Қишлоқ қурилиш банки» томонидан 15 йилга берилган кредитнинг 1 йиллик имтиёзли муддати 3 йилга узайтирилган ва қишлоқда турар-жой қурилишини янада юқори савияга етказиш марралари аниқ белгилаб берилган.

«Соғлом бола йили»да Хоразм вилоятидаги мавжуд 10 та туманнинг 28 та янги мавзесида 807 та турар-жой қурилди. Юртбошимиз 2012 йилнинг 9 октябрида Хонқа туманидаги «Истиқлол» фермер хўжалигида қишлоқ мулкдорлари билан учрашганларида бу гўзал, қуёшли, барокатли жойда ойдин ҳаёт қуриш нақадар ғурур ҳамда ифтихор бахш этишини таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат Амударё соҳилида, бунёдкор боболаримиз томонидан қазилган «Полвон» ва «Шовот» каналлари оралиғида кетмоннинг дастасидан гужум кўкаради. Энг ширин мевалар, тотли полиз маҳсулотлари шу ерда етилади. Президентимиз ташрифидан кейин бу ерда қад ростлаган янги қишлоққа «Ойдин ҳаёт» деб ном бердилар.

Бир пайтлари бу жой ботқоқлик ва кўллардан иборат ташландиқ ерлар эди. Битта-иккита чорвачилик билан шуғулланадиган хонадонлар муваққат лойсувоқ уйларда истиқомат қилишар, замонавий транспорт ва муҳандислик-коммуникациялари, ижтимоий инфратузилмалар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдилар. Бугун «Ойдин ҳаёт»да барча қулайликларга эга бўлган ёруғ ва шинам уйлар, уларнинг ёнида эса маиший, савдо нуқталарига эга инфратузилмани кўриб, ҳавасингиз келади. Замонавий теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари кўзни қувонтиради.

«Ойдин ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларида чемпионлик шоҳсупасига кўтарилмоқдалар. «Энг намунали спортчи оила» танловидаги натижалар бутун вилоят миқёсида тан олинган. Маҳалланинг ҳавоси тоза, сувлари зилол, кўчалари равон. Ҳар бир кўчага ҳусн бўлган мевали ва манзарали дарахтлар мўл кислород манбаи. «Ойдин ҳаёт»ликлар ҳар бир туғилган чақалоқ учун биттадан мевали ва биттадан манзарали кўчат ўтқазишади. Янги келин ва куёвлар ҳам шу удумга риоя қиладилар. Фақат гужум кўчатини эъзоздаги кексаларга эктиришади. Умримиз гужумникидек узун бўлсин, деган ниятда.

— Мен Иккинчи жаҳон уруши йилларини, ундан кейинги қаҳатчиликни, бир бурда нон қайғуси қийнаган машаққатли кунларимизни яхши эслайман, — дейди хонқалик саксон яшар отахон О.Пўлатов. — Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганларидек, секин-секин оғзимиз ошга етди. Аммо бир ҳолат, яъни мустаҳкам пойдеворсиз уйлар қуриб, адашганимизни билмас эканмиз. Шахсан менинг ўзим ҳаётимда уч-тўрт марта оилам аъзолари учун уй қурдим. Бундоқ ўйлаб қарасам, умрим лойдан уй қуриш билан ўтиб кетибди. Мана, «Ойдин ҳаёт»даги замонавий уйларни кўриб шу қадар завқим келдики, кексаларни эъзозлайдиган мамлакатда яшаётганимдан беҳад қувонаман.

«Ойдин ҳаёт»да бутун мамлакатимиздаги ойдин ҳаётнинг ёғдуси таралиб турибди. Маҳаллада ёш авлодни ҳам жисман, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш мактаби шаклланган. Маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган 4592 нафар аҳолининг 1473 нафари ўн саккиз ёшгача бўлган йигит-қиздир. Уларни келажагимизнинг ишончли эгалари этиб тарбиялашда оила, мактаб, коллеж билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинининг муҳим ўрни бор. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қатор ташаббуслар билан майдонга чиққан бўлса, «Нуроний» жамғармаси ҳаёт ҳикматларини тарғиб қилишда фаоллик кўрсатяпти.

«Ойдин ҳаёт»да бағрикенглик муҳити бор. Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги умумтаълим мактабида 870 нафар, касб-ҳунар коллежида 890 нафар ёшлар таълим олади. Касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг аксарияти қишлоқда бизнес билан банд. Касаначилик эса хотин-қизларни иш билан таъминлашда имкониятлар манбаига айланди. Мавжуд 798 та хонадоннинг кўпчилигида оилавий бизнес куртаклари бор. 2 нафар юз ёшдан ошган пиру бадавлат қария истиқомат қиляпти.

— Ҳар гал «Ойдин ҳаёт» маҳалласининг ёнидан ўтганимда кўксим ифтихор туйғуси билан тўлади, — дейди O'zLiDeP аъзоси, Боғот туманидаги «Боғот» фермер хўжалиги раиси, сенатор Шарипбой Ражабов. — Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида азиз Ватанимиз равнақига чинакам ҳисса қўшиб, ундан мамнун ва рози бўлиб яшаш осон иш эмаслиги, аммо бу масъулият барчамизнинг биринчи даражали бурчимиз эканини уқтирдилар. Гўзал яшаш учун яхши ишлаш керак. Пухта ўйланган вазмин сиёсатимиз барча соҳалар қатори қишлоқдаги турар-жой қурилишида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Биз бу борада навбатдаги ўн йилларнигина эмас, навбатдаги юз йилларни мўлжаллаб иш тутмоқдамиз. Зеро, ойдин ҳаёт ёғдуси ҳамиша равон ва тўғри йўлимизни чароғон қилиб туради!

## Тўқсон икки ёшли бобо дуоси

**Фарғонанинг Водил қишлоғида жойлашган уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси 50 ўринга мўлжалланган. Бу ерда даволанувчиларнинг ўз саломатлигини тиклаши учун барча шароитлар яратилган.**

**Ёқимли ҳаво ва сўлим табиат қўйнида дам олаётган фахрийлар малакали шифокорлар хизматидан миннатдор. Шифо маскани электрофарез, ингаляция, парафин, массаж ҳамда физиотерапия хоналарига эга бўлиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган.**

**— Бу ерга келиб соғлиғимни тиклаб қайтаман, — дейди Тошлоқ туманининг Садда қишлоғида истиқомат қиладиган уруш қатнашчиси Одилжон бобо Зокиров. — Тўқсон иккига кирган вақтимда шундай фаровон, тинч замонда яшаётганимдан бахтиёрман. Юртбошимизнинг, эл-юртнинг ардоғидамиз. Давлатимиз раҳбарининг биз каби кексаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги учун раҳмат айтишдан, дуо қилишдан чарчамайман.**

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.

## 29 МАРТ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

# ҚАЛБИМ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

**Етти нафар фарзанднинг онасиман. Бизнесимни оила аъзоларим билан биргаликда юритиб келаяпман. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига ташкил топган йилдаёқ аъзо бўлганман**

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши йиғилишида жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловида партиямиз томонидан Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодининг илгари сурилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Қалбим қувончга тўлди. Чунки бу инсон раҳбарлигида мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритишдан ташқари, мисли кўрилмаган даражада тараққиётга эришди. Шаҳару қишлоқларимизнинг аввалги хира манзаралари ўрнини бугун ёрқин ранглар эгаллади. Амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан юртимиз гуллаб-яшнаётир. Айниқса, бизнес билан шуғулланишга кенг йўл очиб берилиши натижасида иқтисодиётимиз мустаҳкамланиб, аҳоли фаровонлиги яхшиланди. Мамлакатимизда фаолият юритаётган минглаб мулкдорларнинг бири сифатида бундан фахрланаман.

Халқимиз азалдан тадбиркор бўлган. Лекин мустабид тузум пайтида бу борадаги имкониятлар чеклаб қўйилди. Ўша даврда кимдир «вақти келиб давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлайди», деса ишонмасдик. Эндиликда танлаган соҳамиз бўйича дунё ишбилармонлари билан беллаша оламиз. Эътиборлиси, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ёки маҳаллий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар хорижликлар эътиборини тортибгина қолмасдан, баъзи жиҳатлар бўйича улардан устун келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимиз раҳнамолигида тадбиркорлик том маънода тараққиёт йўлига чиқди. Буни ўзим фаолият юритаётган корхона мисолида ҳам айтишим мумкин. Зеро, яратиб берилган шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўтган беш йил давомида минг квадрат метр жойда бунёдкорлик ишларини амалга оширдик. Мажмуа таркибида ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш, автомобилларни таъмирлаш, модалар ательеси, элита пардалар тикиш каби хизматларимиздан аҳоли мамнун. Ўтган йили 10 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилган бўлсак, бу йил гўзаллик салони, шунингдек, замонавий компьютер хизматларини йўлга қўйиш орқали яна шунча ўғил-қиз бандлигини таъминлашни режалаштираяпмиз.

**Зулфия ПОЛВОНОВА,**
**Каттақўрғон шаҳридаги «Зулхумор замон юлдузи» МЧЖ раиси.**

# Эскича ишлаб ҳам, яшаб ҳам бўлмайди

**Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси барча юртдошларимиз, турли соҳа вакиллари, айниқса, O`zLiDeP электорати вакиллари орасида кенг муҳокама қилинмоқда**



**Адҳам ШОДМОНОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Унда белгилаб берилган вазифалар моҳиятига чуқурроқ ёндашсак, ўтган давр мобайнида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шароитлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, фермерлар фаолиятига юқори баҳо берилганига гувоҳ бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги субъект ташкил этилди. Уларнинг умумий сони бугунга келиб 195 мингдан ошди. Тадбиркорлар томонидан Республика товар-хомашё биржасида қарийб 3 триллион сўмлик ёки 2013 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп хомашё ва материаллар сотиб олинди. Шу билан бирга, хусусий сектор вакиллари биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни сотишга эришди. Бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.

Ютуқлар ўзимизники, албатта. Эндиликда ана шу ислоҳотларни жадаллик билан давом эттиришга муносиб ҳисса қўшиш, тадбиркорлик ривожи йўлидаги турли ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган янада масъулиятли жараён бошланди. Бу эса O`zLiDeP аъзолари, хусусан, партиянинг янгидан шакллантирилган парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоларидан ҳам ўз фаолиятини янгича талаблар асосида ташкил этиши лозимлигини кўрсатмоқда. Зеро, маърузада алоҳида таъкидланганидек, «...олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди. Уларни фақат ўз кучимиз ва имкониятларимизга таянган ҳолда ҳал қилмасак, четдан биров келиб ҳал қилиб бермайди. Энг муҳими, шу борада эскича қолип ва ёндашувлардан бутунлай воз кечишимиз керак. Бугунги замоннинг талаби шуки, энди эскича ишлаб, эскича яшаб бўлмайди».

Шундай экан, келгуси фаолиятимизда тадбиркорликни ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, айрим соҳа ва тизимлардаги бюрократик ғовларни бартараф этиш, жойларда депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади. Бу борада, айниқса, маҳаллий кенгашлардаги депутатлар, ҳамкор ташкилотлар кучи ва салоҳиятидан фойдаланган ҳолда соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш зарур.

Умуман олганда, йил сарҳисобига бағишланган дастурий маърузада белгилаб берилган устувор вазифалар 2015 йилда ҳам иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш изчиллик билан давом эттирилишидан далолат бермоқда.

## Қизилтепада янги «Бахт уйи»



**Сўнгги икки йилнинг ўзида Навоий вилоятида 6 та ФҲДЁ бўлими ҳамда давлат нотариал идораларининг янги бинолари қурилиши учун 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.**

**Бундай иморатлар кўркам тўйхоналар қаторида юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкин ҳаёт, фаровон турмуш тимсолларидан бирига айланди. Ана шундай муҳташам кошоналарда йилнинг тўрт фаслида тўйлар бўлаётгани ҳам истиқлолнинг буюк неъматидир.**

**Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани марказида янги қурилиб, фойдаланишга топширилган «Бахт уйи»нинг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққанлар самимий тилакларни айтишди.**

**— Тумандошларимизнинг салкам саксон йиллик орзуси ушалди, — дейди тадбирда иштирок этган туман ҳокими Шабон Набиев. — Янги кошонага ёшларимиз фақат энг бахтли ва шодиёна онлари — янги оила ташкил этиш, бобо-бувиларимиз эса дунёга келган невараларига туғилганлик гувоҳномаларини олиш учунгина ташриф буюрсинлар.**

**O'zLiDeP аъзоси, тадбиркор Ботир Тошев раҳбарлик қилаётган «Велла плюс» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан бунёд этилган, умумий қиймати 1 миллиард 550 миллион сўмни ташкил этувчи «Бахт уйи»нинг рамзий калити туман ФҲДЁ бўлими мудираси Гўзал Норовага топширилди.**

**Узоқ йиллар давлат нотариал идораларида самарали меҳнат қилган, адлия идоралари фахрийси Сафар ҳожи Мамарайимовнинг оқ фотиҳасидан сўнг, йиғилганлар янги бинони кўздан кечирдилар.**

**— Кейинги йилларда вилоятимизнинг Навоий ва Зарафшон шаҳарлари, Кармана, Нурота ва Навбаҳор туманларида ФҲДЁ бўлимлари ҳамда давлат нотариал идораларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. 2013-2014 йиллар мобайнида ушбу мақсадларда тўрт миллиард сўмликдан зиёд маблағ ўзлаштирилди, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Анвар Рўзиев.**

Мансур АСЛОНОВ.

## Осойишталик посбонлари тақдирланди



**Осойишталикни таъминлашда Ички ишлар идораларининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, бевосита маҳаллаларда фаолият кўрсатиб, ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган профилактика инспекторларининг хизмати эътиборга лойиқ.**

**Зиммасидаги масъулиятли вазифани аъло даражада бажараётган, ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган Ички ишлар ходимлари анъанавий равишда рағбатлантирилиб борилаётгани ҳам бежиз эмас.**

**Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройида бўлиб ўтган «Энг намунали милиция таянч пунктлари» кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бунга яққол мисол бўла олади.**

**Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Пискент туманидаги «Гулистон» МФЙдаги 231-милиция таянч пункти биринчи, Янгийўл тумани «Қирсадақ» маҳалласидаги 299-милиция таянч пункти иккинчи ва Зангиота туманидаги «Масалбой» ҚФЙ 245-милиция таянч пункти учинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга вилоят ҳокимлигининг махсус диплом ва пул мукофотлари топширилди.**

**Тадбирда, шунингдек, Қибрай туман ИИБ ХООБ МТП профилактика катта инспектори, майор Аҳмаджон Абдураимов, Янгийўл туман ИИБ Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси гуруҳи инспектори, капитан Нодир Худоёров «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси» номинациялари бўйича совриндор бўлдилар.**

**Бундан ташқари, Ички ишлар ходимлари билан яқин ҳамкорликда ишлаб, яхши натижага эришган «Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси», «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла посбони», «Адолатли яраштириш комиссияси» каби бир неча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.**

Мусурмон РЎЗИЕВ.

# Бир ажиб боғларки...

**Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида боғдорчилик ва узумчилик бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, 2010-2014 йилларда қарийб 50 минг гектар янги, жумладан, 14 минг гектардан зиёд интенсив боғ, 23 минг гектар узумзор яратилганини алоҳида таъкидлади**

**Рисолат МАДИЕВА,**
«XXI asr»

Бундан тўрт йил муқаддам яратилган боғларнинг ҳар гектаридан якунланган йилда ўртача 300 центнердан ҳосил олингани эса ҳақиқатан ҳам эътиборга сазовордир.

Диёримиз қадимдан лаззатли мевалари билан донг таратган. Қува анори, Бахмал олмаси, Бешариқ ўриги, Олтиариқ ҳусайниси, Самарқанд анжирининг довруғи етти иқлимга маълуму машҳур. Барча-барчаси табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Ана шу мўъжизадан баҳраманд бўлиб, ғаройиб боғ барпо этган зангиоталик боғбон Заҳириддин Сайфиддиновни кўпчилик яхши билади.

Боғбонлар дунёнинг турли жойларидан ниҳолларни олиб келиб, ўз қўллари билан парваришлашни, меваларидан юртдошларимизни ҳам баҳраманд қилишни исташади. Ана шу истак З.Сайфиддиновни Польша, Россия, Болтиқбўйи давлатларида бўлиб, боғдорчиликнинг самарали усулларини ўрганишга ундади. Илғор техника ва технология, деҳқончилик ва боғдорчиликка оид янгиликларни қизиқиш билан ўрганди. Ўзи раҳбарлик қилаётган ғалла, сабзавот, боғдорчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган «Миришкор Сайфутдинова Хонзода» фермер хўжалигида янги боғ яратишни кўнглига туккан Заҳириддин ака дастлаб Польшадан ўн икки минг туп олма, нок ва гилос кўчатларини келтириб, ўтқазди. Ўшанда чет элдан олиб келинган ниҳоллар бизнинг иқлимга мослаша олмайди, деганлар ҳам бўлди. Аммо тажрибали боғбоннинг фидокорона меҳнати ўз самарасини берди. **ЕВРОПАДАН КЕЛТИРИЛГАН НИҲОЛЛАР ЎЗБЕК ЗАМИНИНИ ОШЁН ТУТИБ, ҚИСҚА МУДДАТДА ҲОСИЛГА КИРДИ.**

— Зангиота ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ривож топган туманлардан бири сифатида пойтахт аҳолисига сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бермоқда, — дейди миришкор боғбон. — Фермер хўжалигимизда қирқ киши ишлайди. Тўрт ўғлим барча ишларда камарбаста. Умумий ер майдонимиз 115 гектар. Шундан салкам 40 гектари боғ, унинг 20 гектари интенсив боғ бўлиб, олманинг эрта ва кеч пишар, бир-биридан мазали ва узоқ муддат сақланадиган навлари, шунингдек, гилос, нок ва бошқа мевалар етиштирилади. Ўтган йили 40 тоннадан ортиқ мева шартнома асосида қайта ишлаш корхоналарига сотилди. Қолган қисми эса деҳқон бозорлари ҳамда фермер хўжалигининг шаҳардаги савдо дўкони орқали харидорини топди.

Тажрибали боғбоннинг таъкидлашича, интенсив боғларда бир гектар майдонга шароитга қараб икки мингтадан уч ярим мингтагача олма кўчатини экиш мумкин. Томчилаб суғориш йўлга қўйилса, нур устига аъло нур бўлади. Сув ва минерал ўғитлар тежалади. Қолаверса, дарахтларга ишлов бериш осонлашади.

— Манзарали дарахт ҳамда атиргул кўчатларини етиштириш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан саналади, — дейди фермернинг ўғли Фахриддин Сайфиддинов. — Ҳар йили минглаб туп кўчатлар жойлардаги фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотларга сотилади. Польшадан келтирилган М-9 пайвантаги орқали ўтган йилда 50-60 минг туп кўчатни пайвандлаб, салкам 60 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт қилдик. Олинган даромад ҳисобидан 82 минг долларга Европада ишлаб чиқарилган универсал экскаватор сотиб олганимиз эса зовурларни тозалаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда асқотяпти. Келажакда унинг ёрдамида баликчиликни ҳам йўлга қўйиш ниятидамиз.

Заҳириддин ака қиш уйқусига кетган боғларга меҳр билан боқаркан, дилидаги гаплари беихтиёр тилига кўчади:

— Кайфиятим чоғ бўлганда ҳам, руҳан толиққанимда ҳам боғни айланиб, таскин топаман. Боғим мен учун болаларимдек азиз, уларни кўриб ғайратимга-ғайрат қўшилади.

Бугун «Миришкор Сайфутдинова Хонзода» фермер хўжалигида бўлган киши юртимиздаги тўкин-сочинлик манбаи, халқ фаровонлигининг кўзгудаги аксини кўргандай бўлади. Замонавий фермер нималарга қодир эканига тан беради.

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

Муносиб хулқли киши сўзларни шошилмасдан сўйлагани маъқул ва ишларни жадал адо этмоғи афзал.

Конфуций.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК:

# Ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт омили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Авазбек СОДИҚОВ,**
иқтисод фанлари доктори

1994 йилнинг январида "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон эълон қилинди. Бу тарихий ҳужжат, аниқроқ қилиб айтганда, мухтарам Президентимизнинг шу соҳа ҳимоячиси сифатида майдонга чиқиши янгиликка интилувчан тадбиркорлар учун кенг йўл очилишига имкон яратди.

Дастлабки йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ғоясига вақтинчалик «кампания» деб қараш устун турди. Ўша даврларда «шўроларча» маъмурий-буйруқбозлик сарқитларидан тўлиқ қутила олмаган турли даражадаги бошқарув тизимлари томонидан бу истиқболли йўл айрим тўсиқларга учраганлиги кўпчиликнинг ёдидан кўтарилгани йўқ.

Аксарият кишилар онгида тадбиркор ҳуқуқбузарликка мойил, текин даромад ҳисобидан кун кўрадиган одам, деган қарашлар мавжуд эди. Бундай қарашлардан воз кечиш, келажакда уларга йўл бермаслик учун ислоҳотларни собитқадамлик билан ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш ҳисобига амалий натижаларга эришиш бош мезон сифатида белгиланди.

Шу боис соҳани ривожлантириш учун, авваламбор, одамларнинг фикрини ўзгартириш энг муҳим вазифа сифатида кўндаланг қўйилди. Чунки қанчалик жаҳон андозалари ва тажрибасига мос келадиган қонунлар, қарорлар қабул қилмайлик, уларнинг моҳиятини оддий одамлар охиригача яхши тушуниб етмаса, қоғозда қолиб кетиши аниқ эди. Давлатимиз раҳбари иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича концептуал чиқишларида, оддий одамлар билан юзма-юз учрашувларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз учун устувор йўналиш экани, бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигини қайта-қайта такрорладилар.

Бугунга келиб кичик бизнес йўлидаги энг катта тўсиқлар енгиб ўтилди. Соҳа тараққиёти учун барча шарт-шароит, қулай тадбиркорлик муҳити, жаҳон андозаларига мос келадиган ҳуқуқий база, унга хизмат қиладиган бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси барпо этилди. Жамиятда, халқимизда тадбиркорликка муносабат кескин ижобий томонга ўзгарди, ушбу соҳанинг аҳамияти, унинг иқтисодиётдаги ўрни тўғрисида тўғри тасаввур шаклланди.

Кутилганидек, кичик бизнес одамларга ўз билим ва малакаларидан, тадбиркорлик қобилиятидан келиб чиққан ҳолда эмин-эркин меҳнат қилиш, унинг маҳсулидан ўзи ва жамият аъзоларини баҳраманд этиш, турмуш фаровонлигини ошириш имконини берди. Бир пайтлар «бизнес» деган сўз эшитган қулоққа ғалати туюлган бўлса, эндиликда ҳаётимизни иқтисодиётнинг барча соҳаларида чуқур ўрин эгаллаган хусусий тадбиркорликсиз тасаввур эта олмаймиз.

Миллий иқтисодётимизда кичик бизнеснинг улуши 1991 йилда 1,5 фоиз, 2000 йилда — 31, 2014 йилда эса 55,8 фоизни ташкил этганининг ўзи тарихан қисқа даврда қанчалик жиддий таркибий ўзгаришлар содир бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Ушбу сектор иқтисодиётда рақобатдошлик муҳитини яратиш, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди. Натижада ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш орқали амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий аҳамияти юқори босқичга кўтарилди.

Иқтисодий ва молиявий имкониятлар нисбатан чекланган ўтиш даврида ўрта қатлам мулкдорларининг астойдил қўллаб-қувватланиши бу тармоққа янги кучлар жўш уриб кириб келишига йўл очди. Қисқа вақт ичида хўжалик юритишнинг хусусий мулкчиликка асосланган кўп укладли шакллари ташкил топди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида давлатга қарашли бўлмаган тармоқнинг улуши ортди.

Бу қатлам ўз олдига аниқ мақсад қўйиши ва унга эришиш учун мавжуд имкониятлардан омилкорона фойдаланиши билан ажралиб туради. Уларнинг эзгулик йўлидаги доимий саъй-ҳаракати, муттасил изланиши ва янгиликка қўл уришдан чўчимаслиги маҳсулотларнинг янги хиллари юзага келишига имкон яратмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кам капитал маблағ талаб қилиши, ўзи тайёрлаётган маҳсулотлар турларини тез ўзгартира олиши, мавжуд қувватларни жадал модернизация қилиш имкониятига эга эканлиги билан ҳам самарали соҳа ҳисобланади. Шу тариқа кичик бизнес бозор конъюнктураси «инжиқликлари» ҳамда вақти-вақти билан бонг урадиган иқтисодий инқирозларга тез мослаша олади.

Бунинг амалий исботи шуки, глобал инқироз йилларида дунёнинг аксарият давлатларида иқтисодий ўсиш тўхтаб, рецессия содир бўлган бир пайтда мамлакатимизда юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш омилларини чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим роль ўйнаганлиги яққол кўринади. Инқироз йилларида ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ошди. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига инқироз таъсири жуда кам бўлгани амалда тасдиқланди.

Инқирознинг таъсири кучли бўлган МДҲ давлатлари иқтисодиётини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда кичик бизнеснинг улуши кам бўлганлигини кузатиш мумкин. Масалан, бу кўрсаткич Россияда 21 фоиз, Украинада 16,7, Қозоғистонда 22 фоизни ташкил этмоқда.

Кичик бизнес бозор иқтисодиётининг муҳим элементи ҳисобланиб, у рақобат муҳитини яратиш ҳисобига иқтисодиётнинг турли тармоқлари пропорционал ривожланиши, бозорни кенг истеъмол моллари ва хизматлар билан тезда тўлдириш имконини беради. Шу боис ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳисобига маҳсулотлар ва хизматлар сифати рақобатдошлигини оширишда унинг аҳамияти беқиёсдир.

Биргина мисол. Агар илгари минерал сув ёки макарон маҳсулотлари каби оддий товарлар фақатгина йирик шаҳарларда битта-иккита «ихтисослашган» корхоналарда ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол товарлари республикамизнинг барча ҳудудларида, айнан кичик корхоналарда ишлаб чиқарилмоқда. Рақобат муҳити йилдан-йилга кучайиб бораётгани, ўз навбатида, маҳсулотлар сифатини ошириш ва таннархини тушириш имконини бермоқда.

Замонавий тараққиёт йўлини танлаган, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланган бундай кичик корхоналар нафақат ички, балки ташқи бозорни ҳам рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш мақсадида фаолиятни кенгайтириб, ўз маҳсулотларини экспорт қилишни бошлаб юбордилар.

Қувонарлиси, улар Президентимизнинг «...саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур», деган кўрсатмаларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Дарҳақиқат, жаҳон тажрибасидан кўриниб турибдики, инновацион технологияларни ривожлантириш, илғор фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда ҳам кичик тадбиркорликнинг имкониятлари беқиёс.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси», ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу соҳа ривожида янги давр, янги босқични бошлаб берди.

Юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштиришни назарда тутадиган вазифаларнинг бажарилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратди.

Бунинг исботини «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, оилавий тадбиркорлик юртимизда азалдан эъзозланиб, қадрият сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Содда қилиб айтадиган бўлсак, уй-рўзғор ва хўжалик юритиш борасидаги тадбиркорлик биз учун ота меросдир. Энди эса оилавий бизнес билан шуғулланувчилар қонун ҳимоясига олинди. Натижада ўзининг қўшимча даромад манбаи ва тирикчилик воситасига эга бўлган оилалар сони кескин ортди.

Энг муҳими, оилавий бизнес орқали аҳоли ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш имкони яратилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, кўплаб йирик бизнесменлар ва миллиардерлар ҳам ўз ишини айнан оилавий тадбиркорликдан бошлаб, кейинчалик йирик компаниялар ташкил қилганлар.

Биз бугун Президентимиз раҳнамолигида юртимизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотларнинг бир қиррасини таҳлил қилдик, холос. Ватанимиз истиқболи йўлида учраган тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиш, халқимизнинг ўз кучига ишончини ошириш, унинг жавоҳирдай ноёб истеъдодини рўёбга чиқариш борасида улуғвор ишлар амалга оширилгани, жамиятда мутлақо янги ишбилармонлик муҳити яратилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Эндиликда шонли тарихга айланган бу улкан ишлар халқимизнинг ўз олдига қўйган эзгу мақсади йўлида ҳар қандай машаққатларни енгиб ўтиш ва бундан-да буюк вазифаларни амалга оширишга қодир салоҳиятга эга эканлигининг яққол исботидир.



## МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЭКСПОРТ ШАРТНОМАСИ

**Намангандаги «Dilrabo SDA» кўп тармоқли савдо-ишлаб чиқариш корхонаси 2007 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур корхона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**

**— Маҳсулотларимиз дизайнини талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб яратамиз, — дейди корхона раҳбари Мақсуда Содиқова. — Биз тадбиркорларга яратилаётган имконият ва қулай шарт-шароитлар боис фаолиятимиз йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Натижада янги иш ўринлари очилаяпти. Дастлаб 4 нафар ходим билан иш бошлаган бўлсак, айни кунда улар сони 200 нафарга етди. Корхонамизда БПТ фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, унда 30 га яқин O`zLiDeP аъзоси бирлашган. Якунланган йилда ишлаб чиқариш кўлами 2013 йилга нисбатан сезиларли даражада кенгайди. Бундай ютуқларга эришишда илғор ишчилардан Дилноза Жалилова, Маҳмуда Норматова, Нурхон Бозороваларнинг ҳиссаси катта.**

**«Dilrabo SDA» Россиянинг «Земиртекс» компанияси билан 1 млн. долларлик экспорт шартномаси имзолаган. Айни кунгача 500 минг доллар ҳажмидаги маҳсулотлар хорижий харидорга етказиб берилди.**

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар.

---

**Саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсон касб-коридан қатъи назар, маълум маънода деҳқон, маълум маънода тадбиркордир. Деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик сир-синоатлари азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бугунги кунгача етиб келган моддий ва маънавий ёдгорликларимизда ҳам деҳқон меҳнати-ю, тадбиркор ҳимматини, қўли мўъжизалар яратишга қодир ҳунарманд санъатини кўриш мумкин.**

# «ОЛАМ МАЪМУРЛИҒИ АЛАРДИН...»

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг «Деҳқонлик зикрида» фаслида мамлакат ва жамиятнинг ривожи деҳқон меҳнати орқали вужудга келиши алоҳида таъкидланган. Деҳқоннинг омилкорлиги, заҳмати одамнинг ер юзида яшашига асос, унинг тинимсиз меҳнати эса барча мавжудотнинг тирик юришига сабаб эканини юксак мантиқ ва бадиият билан очиб беради: «Олам маъмурлиғи алардин ва олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаёнки қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткургайлар, ҳам барокат».

Буюк бобокалонимиз шеърият бўстонига беқиёс ҳисса қўшиш баробарида ўз мамлакати ва халқининг моддий эҳтиёжларини қондиришда ҳам ўрнак бўлган. Ўзи эга бўлган ер-сув ва бошқа мулклардан келган даромаднинг катта қисмини «бинои хайр» учун сарфлаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоийнинг бу хислатини «Бобурнома» асарида алоҳида меҳр билан тилга оларкан, у қурдирган барча бино ва иншоотлари шахсий маблағи ҳисобига барпо бўлганини айтиб ўтади.

Аждодларимиздан мерос ана шундай қадриятларни ардоқлаб келаётган юзлаб замондошларимиз орасида фермеру тадбиркорлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Зеро, истиқлол йилларида хусусий тадбиркорлик давлат ва жамият ривожида алоҳида ўрин эгаллади. Дастурхонларимизга файз-барака киритиш, янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг тезкор омилига айланди.

Яратилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, топган даромадидан турли иншоотлар барпо этаётган, ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолотига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фермер ва тадбиркорлар ана шундай фидойи замондошларимизнинг етакчилари ҳисобланади. Катта ҳаётга эндигина қадам қўйган юзлаб ёшлар учун янги иш жойлари очиб, малака ва билимларини намоён этишга шароит яратаётган заҳматкашлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Жамият учун зарур бўлган бирор буюмни ишлаб чиқиш ёки хизматни бажаришга қаратилган муайян тизимни вужудга келтириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Маблағ топиш, бино ажратиш, асбоб-ускуна ўрнатиш, хомашё ва бошқа ёрдамчи воситалар билан таъминлаш тадбиркордан юксак тафаккурни талаб этади. Зиммасидаги ана шу масъулиятни тўла бажара олганлар эҳтиёжмандларнинг дардига дармон бўлади. Албатта, тадбиркор ҳам ўзи ташкил этган ишнинг унумига қараб, муайян моддий манфаатларни кўзлайди. Ўз қадрини иқтисодий майдонда ўлчар экан, унинг илми, малакаси ким учун ва қай даражада зарур — мана шу масала унинг маънавий қиёфасини белгилайди. Ана шундай хислатлар соҳибларидан бири, O`zLiDeP фаоли Аваз Азимов ўз фаолиятини фермерликдан бошлаган. Нияти эзгуликка йўғрилган инсон тез орада нафақат Оҳангарон тумани ва Тошкент вилояти, балки республикада таниқли фермерлардан бирига айланди. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди.

Айни пайтда кўплаб халқаро кўргазмаларда маҳсулотини муваффақиятли намойиш этаётган, хорижий давлатларга катта миқдорда экспорт қилаётган, хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган тадбиркор ёки фермер, қўли гул уста-ҳунармандлар билан суҳбатлашсангиз, дил изҳорларини тўлқинланиб баён этишади.

— «Ташаббус-2014» танловида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб топилдим, — дейди пойтахтлик ҳунарманд Камолиддин Абдуллаев. — Наққошлик санъати билан болаликдан шуғулланиб келаман. Эски деворий суратлар, аёллар тақинчоқлари, китобларга ишланган нақшлар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, ихлосмандларнинг ҳайрати ва эътирофига сабаб бўлаверади. 2012 йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган ҳунармандларнинг халқаро кўргазмасида бунга яна бир карра амин бўлдим. Ўзбекистонлик ҳунармандлар нақшлари биринчи ўринга муносиб топилганида қувончдан кўзларимга ёш келганди. Шимолий Африкада миллий наққошлик ва миниатюра санъати бўйича ўтказилган халқаро кўргазмада ҳам юзлаб мамлакатлар орасида фахрли ўринни эгалладик. Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини Грециянинг Афина шаҳрида — Ўзбекистон элчихонасида нишонладик. Қайси мамлакатда бўлмайлик, бизнинг миллий маданиятимиз, асрлар давомида сайқалланиб келган бебаҳо маънавий бойликларимиз, қўлда ишланган, санъат асари даражасидаги ижод намуналари кишиларни ҳаяжонга солаётганига гувоҳ бўламан.

Ўз даврининг йирик заминдорларидан бири бўлган Алишер Навоий ҳам асосий даромадини халқ манфаати, ночор кишилар мушкулини енгиллатиш, элга хизмат қиладиган иморатлар, юрт ободлигини таъминлайдиган иншоотлар барпо этишга сарфлаганини муаррих Мирзо Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида қуйидагича таърифлайди: «Навоий ойлик маоши ва деҳқончиликдан келган даромадидан бир кишининг «иссиқ-совуғига» етарли қисмини ўзида қолдириб, қолганини жамият учун зарур бўлган илмий-маърифий масканлар, сиҳатгоҳлар («бинойи хайр») қуришга, боғ-роғлар, хиёбонлар, каналлар барпо этишга, илми толиблар, муаллимларнинг унумли ишлаши учун таъминотини яхшилашга, муҳтожларга моддий кўмак беришга, фуқарога оғирлик қилувчи солиқларни тўлашга, илм ва санъат аҳлининг хизматини рағбатлантиришга сарф этган».

Биз ана шундай буюк аждодларнинг муносиб ворисларимиз. Президентимизнинг ҳикматли ибораси билан айтганда: «Ҳар бир инсон ўзини халқининг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади».

**Ўз мухбиримиз.**

ЭЛ ЭЪТИБОРИДАГИ ЛИБЕРАЛЛАР

# Иккинчи қўлида дунёни тебратгани шу эмасми?!

**Айтишларича, инсон характерини унинг қандай гулни яхши кўришига қараб ҳам аниқлаш мумкин экан. Эҳтимол, бу шунчаки фараздир**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

Шарофат Нориевани Жиззах вилоятида кўпчилик яхши танийди. У иссиқхоналарда етиштираётган манзарали, игнабаргли ва мевали дарахт кўчатлари, бир йиллик, кўп йиллик ёхуд тувакли гул кўчатлари бино ва кўчалар атрофини безаб, одамларга эстетик завқ бераётир.

2010 йилдан «Флора гуллари» МЧЖ раиси, 2013 йилдан буён эса «Xolmo'minov Zohid» боғдорчилик фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келаётган тадбиркор аёлнинг орзулари бисёр.

— Иссиқхонамизнинг ярим гектардан ортиқ жойига 25 турдаги манзарали гул уруғларини экамиз, кўпайтирамиз, парвариш қиламиз, — дейди Шарофат опа. — Шунингдек, йилига 30 минг тупдан зиёд арча, каштан, дуб, лимон кўчатларини етиштирамиз. Айни пайтда 5 гектардан ортиқ жойга исмалоқ экканмиз. Негаки, унинг таркибидаги витаминлар инсон организмига жуда фойдали. 2010 йилда «Асака» банки филиалидан 60 миллион сўмлик кредит олиб, иссиқхоналарни қуриш ва ерларни кенгайтиришга сарфлаганман. Натижалар ёмон эмас. 40 нафар кишини иш билан таъминладим. Бирор жойга манзарали кўчат экиш бўйича шартнома тузсак, йил давомида ўтқазган кўчатларимизни ўзимиз парвариш қилиб берамиз. 2013 йилда Зомин туманида 3 гектарлик боғ яратдик. Жиззах шаҳрида 1 млрд. 200 млн. сўмга япон боғини яратиш бўйича шартнома имзолашни режалаштираяпмиз.



Дарҳақиқат, хиёбону кўчаларда юрганингизда ён-атрофга чирой бағишлаб турган гуллар, ям-яшил майсазорларни кўриб, дилингиз яйрайди. Юзингизга беихтиёр табассум югуради, қалбингиз таскин топади. Ана шундай гўзалликни яратаётган инсонларга раҳматлар айтгингиз келади.

Шарофат опа фермер хўжалигининг 27 гектарини боғ ташкил қилади. Қўшимча тармоқлар, хусусан, чорвачилик, паррандачилик, йилқичиликни йўлга қўйишни ният қилган. Ҳозирча 10 бош қорамол, 1000 та товуқ, 1000 та курка, 5 та от боқяпти. Яна тикувчилик цехи очиб, 12 нафар қизни ишли қилди. Кам таъминланган оила фарзандларининг бир нечтасига тикувчилик сир-асрорларини бепул ўргатмоқда.

Суҳбат чоғида юртимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. Кўзларида келажакка ишонч, қалби орзуларга тўла, ғайрати ичига сиғмайдиган замондошимизни бугунги кун қаҳрамони, десак муболаға бўлмас.

— O`zLiDeP аъзосиман, — дейди Ш.Нориева. — Партиянинг туманимизда ўтказиладиган барча йиғилишларида иштирок этиб келаман. Боиси, уларнинг аксарияти тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантиришга қаратилгани билан эътиборимни тортади. Партиянинг дастурий ғоя ва мақсадлари халқимизнинг орзулари билан муштараклиги учун ҳам унинг сафида бўлишга аҳд қилганман.

Шарофат опа ҳозирги пайтда 200 минг тупдан ортиқ наъматак экиб, ҳосилини кутмоқда. Уларни экспортга чиқармоқчи. Бундан ташқари, банкдан кредит олиб, трактор, сув ташийдиган машина сотиб олиш, даромадлари ҳисобига тўйхона, «Гўзаллик салони» очиш ҳам эзгу мақсадларидан биридир.

Тиниб-тинчимас партия фаолининг саъй-ҳаракатлари юқори баҳоланиб, «Ташаббус-2014» кўрик-танлови Жиззах вилояти босқичининг ғолибаси бўлди.

Ҳа, айтгандай, яна бир муҳим гап хаёлимдан кўтарилибди. Шарофат опа Урганч шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Шовот канали ёнидаги уч гектарлик майдонда гулзор барпо этиб, хоразмликларга ҳам қувонч улашди.

Опа билан хайрлашар эканман, «Аёл бир қўли ила бешикни, иккинчиси-ла дунёни тебратади», деган ҳикмат моҳиятини чуқурроқ уққандек бўлдим.

# Ҳар соҳада фаол аёллар

**O`zLiDeP ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси барча жойда бўлганидек, Бухоро вилоятида ҳам ўзининг амалий ижобатини топмоқда. Фикримизни ҳаётий рақамлар орқали исботлашга уриниб кўрамиз**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

— «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда 2014 йил давомида ташкил этилган учрашув ва мулоқотлар давомида хотин-қизларнинг тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимлари оширилиб, тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишда уларга яқиндан кўмаклашилди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Робия Салихова. — Ўтган давр мобайнида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасида ўтказилган 30 дан ортиқ тадбирда жами 2974 нафар хотин-қиз иштирок этиб, ўз тажриба ва маҳоратини бойитди. Уларнинг кўпчилиги бугун тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича фаолият юритишмоқда.

Бухоро шаҳридаги «Эркатой болажон» МЧЖда айни пайтда 20 нафар аёл доимий иш билан таъминланган. Тадбиркор Фотима Зиядуллаева ва унинг сафдошлари изланишдан асло чарчамайди. «Ипотека банк»нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик маблағ эса болалар пойафзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона фаолиятини самарали йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда. O'zLiDeP аъзоси, жондорлик Манзура Саидова эса чорвачилик йўналишини танлаган. У «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалидан 19 млн. сўм кредит олиб, «Мунис» фермер хўжалиги фаолиятини йўлга қўйди.

Ҳозирда кўзлаган мақсадлари сари дадил интилаётган жондорлик яна бир тадбиркор Мамлакат Тошеванинг ютуқлари ҳам ҳавас қиларлидир. «Ҳамкорбанк»нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 100 млн. сўм кредит эвазига у сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Жондор чашмаси» масъулияти чекланган жамиятга асос солди. Айни кунда бу ерда 10 дан зиёд аёл ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Когон туманидаги «Мирзо ая» деҳқон хўжалиги фаолиятини кенгайтиришда унинг раҳбари Зуҳра Худоеванинг кўп йиллик иш тажрибаси қўл келаяпти.

«Микрокредитбанк» томонидан ажратилган 50 млн. сўмлик кредит деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари салмоғини оширишда жуда қўл келмоқда.

Ҳозирги пайтда вилоятда иш юритаётган тадбиркор аёллардан 2 минг нафари «Тадбиркор аёл» уюшмаси, 45 фоизи эса O`zLiDeP аъзосидир.

2014 йил давомида «Микрокредитбанк» томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1 млрд. 955 млн. 500 минг сўм сармоя йўналтирилди. Натижада ҳудудларда кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилди.

Умуман, ўтган йилнинг 11 ойи давомида вилоят тижорат банклари томонидан 604 нафар оилавий тадбиркорга жами 10 млрд. 400 миллион сўм, 1893 нафар тадбиркор аёлга эса 38,3 млрд. сўм кредит ажратилди.

O`zLiDePнинг «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасида 2014 йилда барча шаҳар ва туманларда 31 та турли тадбир ташкил этилиб, уларда 4684 нафар хотин-қиз қатнашди. Жумладан, Жондор, Қоровулбозор туманларида уюштирилган «Оила институтининг таълим-тарбия соҳасидаги амалий муносабатларини мустаҳкамлаш — муҳим вазифа», Когон шаҳри ва Бухоро туманида ўтказилган «Соғлом оила — бу соғлом жамият, кучли ва барқарор мамлакат», «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш» мавзуларидаги тадбирлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Айниқса, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда бултур шаҳар ва туманларда кўплаб аёлларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтказилганлиги диққатга моликдир. Шу тариқа 3363 нафар хотин-қиз жойларда ташкиллаштирилган тиббий назорат чоғида қулоқ, томоқ, бурун, асаб, ошқозон-ичак касалликларини даволовчи мутахассис-шифокорлар қабулида бўлиб, тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар олишди. Даволашга эҳтиёж сезган минг нафарга яқин аёлга эса тегишли тиббиёт муассасаларига йўлланмалар берилди.

Ўсиб келаётган қизларни юртга, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда вақти-вақти билан ўтказилаётган турли мавзудаги хайрия тадбирлари катта аҳамият касб этаётир. 2014 йил давомида аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, улар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масалалари ҳам партия вилоят кенгашининг доимий эътиборида бўлди. Жумладан, мазкур йўналишда бир қатор тадбирлар ўтказилиб, уларда жами 128 нафар аёлнинг иштироки таъминланди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловга тайёргарлик кўриш доирасида ҳудудларда фаол тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бугун бунинг амалий натижаларини кўриб турибмиз. O`zLiDePдан халқ депутатлари вилоят кенгашига 20 нафар, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига эса 140 нафар номзод сайланди. Уларнинг 30 фоизи юксак ишончни қозонган турли ёш ва турли касбдаги хотин-қизлардир.

Партиянинг Сайловолди дастурида аёлларга ғамхўрликни янада кучайтириш, уларнинг самарали меҳнат қилиши ва унумли дам олиши учун барча шароитларни яратишга кўмаклашиш — муҳим мақсадлардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган. Бинобарин, партия вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлимининг 2015 йилдаги асосий вазифаси ҳам мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш, ишбилармон аёллар сафини ўстириш, шу тариқа ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

# Ишонч — юксак масъулият

**Мамлакатимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўсишига кўмаклашиш, меҳнат шароитларини яхшилашга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, хотин-қизлар жамиятда ўзига хос нуфузга эга бўлган бунёдкор кучдир**

**Ўз мухбиримиз**

O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Аёллар билан ишлаш бўлими шундан келиб чиқиб, омма орасига чуқурроқ кириб бориш, қамров доирасини янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, 2014 йилда жойларда 3 мингдан ортиқ давра суҳбати, учрашув ва семинар-тренинг ташкил этилиб, уларда 240 мингдан зиёд аёлнинг иштироки таъминланди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун зарур имтиёз ва қулайликлар яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ижобий самарасини бераётир. Хусусан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси орқали тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Бултур шу мавзуда 400 дан зиёд тадбир ўтказилди. Уларда 17262 нафар опа-синглимиз қатнашиб, касбий билимини бойитди.

— Партиядошларимизнинг 90 мингдан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади, — дейди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Улар ҳар жабҳада фаол, ташаббускор. Хотин-қизларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, бизнес субъектларига кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашиш орқали қўшимча иш ўринлари яратишга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, 2014 йилнинг кейинги ойлари давомида 274 нафар ишбилармон опа-синглимизга тижорат банкларидан жами 4 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижасида 2100 та янги иш ўрни яратилди. Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликнинг қонунчилик негизи янада такомиллаштирилганлиги тараққиётга кенг йўл очиб, янгидан-янги ютуқларга замин бўлмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда инновацион ғоялар, илм-фан ютуқларига таяниш ғоят муҳим.

Дарҳақиқат, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда хусусий секторнинг аҳамияти беқиёс. Айниқса, оилавий тадбиркорлик жамият учун икки карра манфаатлидир. Бу хайрли ҳаракат орқали ҳам оила эҳтиёжини қондириш, ҳам бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш мумкин. Опа-сингилларимизнинг дунёқараши ҳам ўзгарган. Улар орасида O`zLiDeP аъзоси бўлган сафдошларимиз оз эмас.

— Ҳар бир ишнинг ўзига яраша масъулияти бор, — дейди Самарқанд туманида истиқомат қилувчи Дилафруз Фозилова. — 2014 йилда Халқ банки филиалидан 99 млн. сўм кредит олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган эдик. Ҳозирда кўрпа-тўшак, миллий кийим-кечаклар ишлаб чиқараяпмиз. Хусусий корхонамизда 10 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ишга самимий муносабатини кўрганда дилим равшан тортади. Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириш, касб-ҳунар коллежларини тугатган иқтидорли қизларни сафимизга жалб қилиш ниятидамиз.

Бундай ибратли ташаббусларни бугун ҳар бир вилоят ва туман мисолида кузатиш мумкин. Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан илгари сурилаётган ижтимоий лойиҳалар эса хотин-қизлар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аёлларимиз нафақат тадбиркорлик, балки ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам салоҳиятини тўла намоён этишмоқда. Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган 52 нафар O`zLiDeP аъзосидан 10 нафари хотин-қизлар экани ҳам бежиз эмас.

Шунинг ўзи омма ўртасида партиямизнинг ғоя ва мақсадларига ишонч тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Бу ишонч эса юксак масъулият демакдир.

## МЧЖ маҳсулотлари — экспортга

**Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган, ипак ишлаб чиқаришда турдош корхоналар билан рақобатлаша оладиган «Жилои Малика» МЧЖ кейинги йилларда нафақат маҳаллий, балки хорижий тадбиркорлар билан ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу даражага эришиш осон бўлмади, албатта. Зеро, корхона энди иш бошлаганида пилла хом ашёси эски ускуналар ёрдамида минг машаққат билан қайта ишланган бўлса, кейинроқ янги дастгоҳлар ўрнатилди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатди.**

**— 2011 йилда Хитойдан 2 та автомат линия олиб келдик, — дейди мазкур корхона раҳбари Малика Таджибаева. — Ишлаб чиқариш ҳажми ошгач, 2013 йилдан маҳсулотларимизни экспорт қила бошладик. Дастлаб Эронга 140 минг АҚШ доллари миқдорида сифатли маҳсулот етказиб бердик. Ўтган йили ҳамкорларимиз янада кўпайди. Жорий йил ҳосилидан Туркияга 180 минг доллар, эронлик мижозларга эса 216 минг доллар қийматида ипак сотиш учун шартнома имзолаганмиз. Яқинда Жанубий Кореядан ҳам таклиф олдик.**

**Дарвоқе, корхона раҳбари Малика Таджибаева яқинда халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутатлигига сайланди. У депутатлик фаолияти давомида узоқ йиллик меҳнат тажрибасига таянган ҳолда тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратишни мақсад қилган.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

# Тўгарак — Тошматованинг ташаббуси

**Бувайда туманида фаолият юритаётган 812 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти томонидан 2014 йилнинг ўн ойида 2321 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, бандлиги таъминланганларнинг 70 фоизини ёшлар ташкил этади**

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,**
«XXI asr»

Аҳамиятлиси, ўз бизнесини муваффақиятли юритаётган мулкдорларнинг аксарияти O`zLiDeP аъзоларидир. Улардан бири, «Аҳмад Тож Ҳайдаров» хусусий корхонаси раҳбари Зебохон Тошматова ҳақида сўз юритар эканмиз, йиллар давомида жамоа хўжалигининг қурилиш бўйича раис ўринбосари, шунингдек, туман ҳамда вилоят ҳокимликлари архитектура бўлимларида ишлаган опа 90-йилларда қишлоқ врачлик пункти, консерва қадоқлаш корхонаси, бир нечта маҳалла гузари, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг қурилишига бевосита бош-қош бўлганини айтиб ўтиш мумкин.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганларга яратиб берилаётган қулайликлардан руҳланиб, 2008 йилда бўш турган бинони хусусийлаштириб олдим, — дейди З.Тошматова. — Уни тўлиқ таъмирдан чиқариб, беш нафар чеварни жалб этган ҳолда болалар учун кийим-кечак тикиш корхонасини ташкил қилдим. «Агробанк» филиалидан 28 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, цехга хориждан замонавий ишлаб чиқариш линиясини келтириб ўрнатдим. Айни пайтда корхонамизнинг 25 нафар тикувчиси томонидан 35 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Тайёр маҳсулотни мамлакатимизнинг барча вилоятларига сотаётган тадбиркор анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловида мунтазам иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётганини таъкидлаш лозим. Хусусан, мазкур танловнинг вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Ёшларга иш берувчи энг яхши корхона» йўналишларида ғолиб бўлган З.Тошматова 2009 йилда «Замонавий ўзбек аёли» танлови доирасидаги «Кўп шогирд чиқарган устоз аёл» номинацияси бўйича махсус диплом билан тақдирланди.

Муҳими, 2013 йилда 65 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган, 2014 йилда эса бу кўрсаткични 100 млн. сўмга етказган ишбилармон болалар кийимини ишлаб чиқариш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Хусусан, ёстиқ-кўрпа жилдларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали маҳалладаги 10 нафар аёлни касаначилик билан банд этди.

Партия туман кенгаши раиси ўринбосари Дониёр Қўлдашевнинг таъкидлашича, корхонадаги БПТ етакчиси Зебохон Тошматованинг ташаббуси билан «Ёш либераллар» тўгараги тузилган бўлиб, унинг аъзолари O`zLiDePнинг «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» каби лойиҳаларини қишлоқ аҳли орасида кенг тарғиб қилишга кўмаклашяптилар.

— Янги йилда бир қатор ишларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйганман, — дейди тадбиркор аёл. — Уларнинг энг асосийси, маҳсулотларимизни экспорт қилишдан иборат. Яширишнинг ҳожати йўқ: ҳозир ҳам кийим-кечакларимиз воситачилар орқали қўшни давлатларга сотиляпти. Энди биз ана шу харидорларни топиб, уларга тўғридан-тўғри шартнома асосида маҳсулот етказиб беришни режалаштираяпмиз.

www.21asr.uz

2015-YIL 22-YANVAR, PAYSHANBA

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

**«XXI ASR»** 04 (584)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

## «Chinor-karpet» таъсисчиларига мурожаат

**Бахмал туманида «Chinor-karpet» қўшма корхонаси иш бошлади. Замонавий урфдаги гиламлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур мини-фабрикага 45 киши, асосан аёллар ишга жойлашди. Шу сингари корхона Ғаллаорол туманидаги «Муллабулоқ» ва «Молтоп» МФЙлар ҳудудида ҳам ташкил этилса, айни муддао бўларди. Чунки бу ерда ҳам ана шундай тадбиркорлик тузилмаларига эҳтиёж юқори, айни пайтда зарур барча шарт-шароит, жумладан, хом ашё, етарли ишчи кучи мавжуд.**

**Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказидаги БПТ аъзолари ана шундай таклиф билан «Chinor-karpet» таъсисчиларига мурожаат қилишди. Тадбиркорларга таклиф маъқул бўлди ва улар қўшни туманга ташриф буюришди. Бу ерда маҳаллий аҳоли билан учрашиб, ўзларини қизиқтираётган айрим саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, касаначиликни йўлга қўйиш борасида муайян ишларни олиб бордилар.**

**Тилга олинган бошланғич ташкилот раиси Келдиёр Қўзиевнинг сўзларига қараганда, айни кунларда масъул ташкилотлар томонидан янги корхона барпо этиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий ишлар бошлаб юборилди.**

И. ҲАМИДОВ,
O`zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ходими.

## «Бизнес билан шуғулланинг!»

**O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши ҳамда «Микрокредитбанк» ва «Агробанк» АТБ марказий аппаратларида фаолият юритаётган партия бошланғич ташкилотлари ташаббуси билан «Бизнес билан шуғулланинг!» деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда очиқ мулоқотлар ўтказилиши кўзда тутилган. Партия туман бўлими раиси ўринбосари А.Мухримовнинг айтишича, учрашувларда тажрибали тадбиркорлар, банк мутахассислари ва ҳуқуқшунослар иштирокчиларга ишбилармонлик фаолиятини бошлаш учун зарур дастлабки билим, малака ва шарт-шароитлар бўйича сабоқ берадилар, тингловчилар саволларига ҳаётий мисоллар асосида батафсил жавоб қайтарадилар.**

**— Бугунги кунда тадбиркорликка қизиқмаган, янада фаровон яшашни ёки қўшимча даромад топишни истамайдиган одам топилмаса керак, — дейди «Микрокредитбанк» АТБдаги партия қуйи бўғини етакчиси Алишер Суюмов. — Айниқса, аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, шу орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашишни олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик. Тадбирлар доирасида йил мобайнида тумандаги 48 та маҳалла қамраб олинади.**

Б.ИСРОИЛОВ.

# Таянч тузилмаларнинг кучи нимада?

**O`zLiDeP Боёвут туман ташкилотига 2014 йил давомида тушган 43 та мурожаатнинг 17 таси, шунингдек, халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан тегишли идоралар раҳбарларига юборилган 14 та сўровнинг 6 таси бевосита партия қуйи бўғинлари ташаббуси билан олиб чиқилган масалалардир**

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

O'zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан «БПТлар томонидан жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни партиявий воситалар орқали ҳал этиш тўғрисида»ги қарори, унинг ижросига оид йўриқномада кўрсатилган вазифаларга жойлардаги таянч нуқталар алоҳида эътибор қаратиб, мавжуд камчилик ва муаммолар, шунингдек, электорат вакиллари мурожаатларини ўрганиш бўйича изчил иш олиб бораяптилар. Бунга «1-Боёвут» сув истеъмолчилари уюшмасидаги қуйи тузилма фаолияти яққол мисол бўла олади.

Даставвал шуни қайд этиш керакки, ушбу БПТ 23 нафар фермер ва уюшма ходимини бирлаштирган. Уларнинг барчаси партиямиз дастурий ғояларини теран англайдиган, зиммаларидаги ижтимоий-сиёсий бурч ва масъулиятга жиддий ёндашадиган инсонлардир.

Яқинда БПТ йиғилиши қарори билан унинг фаоллари, яъни тажрибали фермерлар ҳамда уюшма мутахассислари — Ҳайитбой Алматов, Бахтиёр Эгамқулов, Ботир Дўстматов, Эгамқул Раҳмонбердиев ва бошқа бир неча аъзодан иборат жамоатчилик комиссияси «Турон» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Ҳақбердиеванинг аризасини атрофлича ўрганиб чиқди. Маълум бўлишича, 2014 йили фермер «Микрокредитбанк» АТБ Боёвут филиалидан 38 млн. сўмдан зиёд имтиёзли кредит олган. Хўжалик ҳисобот санасигача кредитнинг асосий қисмини қайтарган, 5,4 млн. сўм миқдоридаги қарзни тўлай олмаган. Маҳаллий бошқарув органлари томонидан эса ушбу ҳолат мукаммал ўрганиб чиқилмай, «Турон» фермер хўжалигига қарашли ер майдонини тендерга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

> «Сиёсий куч сифатида бирлашган ҳолда тадбиркор ва ишбилармонларнинг янада кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу ижтимоий қатлами манфаатларини ҳимоялаш баробарида унинг эртанги кунини таъминлаш O`zLiDePнинг асосий мақсадлари сирасига киради».
>
> O`zLiDeP Дастуридан.

Р.Ҳақбердиеванинг эътирозида таъкидланганидек, бу жараёнда «Agroinvestsug`urta» компаниясининг суғурта полисида белгиланган шартларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ҳолбуки, ушбу ҳужжатда «Турон» фермер хўжалиги билан «Боёвутпахтатозалаш» АЖ ўртасида тузилган қиёсий далолатномага мувофиқ, хўжаликда банк кредитини тўлиқ қоплаш имконияти мавжуд эди.

Бошланғич партия ташкилоти қишлоқ мулкдорининг мурожаатини асосли деб топди ҳамда йиғилиш хулосасига тегишли ҳужжатларнинг нусхаларини қўшиб партия вилоят кенгашига тақдим этди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши мазкур масала баёни билан ҳуқуқшунослар иштирокида муфассал танишиб чиқиб, вилоят Фермерлар кенгаши, туман ҳокимлиги ҳамда суғурта компаниясига расмий хат юборди. Орадан кўп ўтмай, суғурта компанияси томонидан фермернинг қолган қарзи тўланди. Мутасадди идоралар масалани қайтадан кўриб чиқдилар. Пировардида фермер Р.Ҳақбердиеванинг ери ўз тасарруфида қолди.



Шу тариқа партия ташкилотлари аралашуви билан фермер ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, масала ижобий якун топди.

— Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бугунги кундаги ўта долзарб вазифа эканини алоҳида қайд этганлари бежиз эмас, — дейди O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шоҳиста Бозорбоева. — Мамлакатимиз иқтисодиётида тобора катта кучга айланиб бораётган хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эса O`zLiDeP дастурий ғоялари ва амалий фаолиятининг асосини ташкил этади. Президентимиз даъватлари эса бизни янада фаол ишлашга ундамоқда. Шу маънода фуқаролар мурожаатларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим, айни пайтда партиявий ишнинг самарадорлиги эса бевосита электоратимиз фойдасига ҳал қилинган ишлар сони ва сифати билан ўлчаниши мақсага мувофиқ. Қайд этиш керакки, вилоятдаги аксарият қуйи бўғинлар депутатлар, турли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда партия нуфузини янада мустаҳкамлайдиган ва аҳолининг унга бўлган ишончини оширишга хизмат қиладиган кўплаб хайрли ишларни амалга ошираяпти.

Бироқ, масалага умумий ёндашиб, тадбиркорлар ва фермерлар партиясига мансублик масъулияти кўламини инобатга олсак, имкониятлардан тўлиқ фойдаланa олинмаётгани аён бўлади. Шу боис партия томонидан амалга ошириладиган муҳим вазифалар қаторида БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг аъзолари ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, ташкилий ишлар борасидаги малакасини янада ошириш, депутатлик гуруҳлари ва энг асосийси, электорат билан ҳамкорлигини сифат босқичига кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Масъул ходимнинг мазкур хулосасига юқорида келтирилган ҳолат ҳам яққол мисол бўла олади.

## Интилиш замиридаги мақсад

**Тўрақўрғон туманидаги «Нефть маҳсулотлари» унитар корхонасидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотига 2008 йили асос солинган. 19 фаолни жипслаштирган ушбу қуйи бўғин тумандаги энг фаол партия таянч тузилмаларидан бири ҳисобланади.**

**— Аъзоларимизнинг кўпчилиги ёшлардан иборат. Бу эса навқирон авлод вакиллари ўртасида партиямиз нуфузи ортиб, уларнинг либерал ғояларга қизиқиши кучайиб бораётганидан далолатдир, — дейди БПТ етакчиси Самидулло Усмонов. — Яқинда ишчи-хизматчиларимиздан яна 11 нафар йигит-қиз партия сафига ўтиш истагини билдирди. Юзма-юз суҳбатда уларнинг хоҳиш-интилишлари замирида ягона, яъни эркин фуқаролик жамияти, мустаҳкам ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсади мужассам эканига ишонч ҳосил қилдик.**

**Ташкилот аъзоларининг тобора кўпаяётгани бошланғич бўғин олиб бораётган тарғибот ишлари самарасидир. Чунончи, яқинда БПТ ташаббуси билан 16-Олтин водий сайлов округидан вилоят кенгашига депутат этиб сайланган Бахтиёр Жўраев билан учрашув бўлиб ўтди. Қуйи бўғинлар раислари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар иштирок этган мулоқотда O'zLiDeP дастурий ғояларини амалга татбиқ қилиш йўллари ва воситалари хусусида атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, жойларда аҳолини ўйлантираётган айрим масалалар ечимини топишда БПТ ва депутат ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.**

А.МУСУРМОНОВ.

## 12 депутатнинг 10 нафари БПТ етакчиси

**O`zLiDeP Каттақўрғон туман кенгаши мутасаддиларининг маълум қилишича, бугунги кунда ҳудудда 1,5 мингдан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган 55 та БПТ фаолият юритаётир. Эътиборлиси, яқинда бўлиб ўтган сайлов натижаларини қуйи тузилмаларнинг кейинги йиллардаги фаолиятига берилган баҳо сифатида талқин қилиш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда мамнуният билан қайд этиш жоизки, партиямиздан халқ депутатлари туман кенгашига сайланган 12 депутатнинг 10 нафари таянч тузилмалар етакчисидир. Жумладан, «Имконият манбаи» МЧЖдаги бошланғич ташкилот раҳбари Отабек Раҳмоновга ҳам сайловчилар томонидан катта ишонч билдирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ёш тадбиркор партиявий ишларга ҳам, корхона юмушларига ҳам бирдек масъулият билан ёндашиб, бекаму кўст уддалаётир. Хусусан, мазкур БПТ ташаббуси билан ўтказилаётган оммавий-сиёсий тадбирларда долзарб масалалар муҳокама қилинади, электорат вакилларини ташвишлантираётган баъзи муаммолар кўтарилади. Шунинг баробарида МЧЖ фаолияти кўлами йил сайин кенгайиб бораётир. Масалан, жорий йилда Пайшанба маиший касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 20 нафари ишга қабул қилиниши режалаштирилмоқда. Бўлажак мутахассислар ва ишчи-хизматчилар ҳозир корхонада ўз билим ва кўникмаларини оширмоқдалар.**

М.РАВШАНОВА.

# Энг муносиблар делегат этиб сайланмоқда

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарорига мувофиқ, айни кунларда бошланғич партия ташкилотларининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтаяпти**

**Ўз мухбиримиз**

БПТ йиғилишларининг кун тартибидан ғоят муҳим ва долзарб масалалар ўрин олганлиги эътиборга молик. Фаоллар таянч тузилмалар томонидан ўтган йили амалга оширилган ишларни таҳлил этиш баробарида парламент қуйи палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловда O`zLiDeP иштирокининг якунлари, партия туман ҳамда шаҳар ташкилотларининг навбатдан ташқари конференцияларига делегатлар сайлаш масалаларини атрофлича муҳокама қилмоқдалар.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Сардор Маликовнинг маълум қилишича, шу кунгача жами таянч нуқталарнинг 61,3 фоизи ёки 5718 тасида умумий йиғилишлар ташкил этилиб, маслакдошларнинг энг муносибларига конференцияда қатнашувчи вакил сифатида ишонч билдирилди. Қайд этиш жоизки, мазкур рақамлар партия Устави ва Дастурида белгиланган вазифаларга бошланғич бўғинлар катта масъулият билан ёндашаётганидан далолат беради.

Хусусан, «Қарши ёғ-экстракция» МЧЖ бошланғич ташкилотида уюштирилган йиғилишда 2014 йил давомида партиявий йўналишда бажарилган ишлар ҳамда жиддий сиёсий имтиҳон — сайлов натижалари сарҳисоб қилиниб, эришилган ижобий кўрсаткичлар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида холисона сўз юритилди.



Мажлис иштирокчилари шаҳар конференциясига вакил сифатида номзоди қўйилган икки киши — БПТ раиси Азимжон Қаюмов ҳамда қуйи ташкилотнинг энг фаол аъзоларидан бири Акмал Қувватов ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Номзодларнинг шахсий фазилатлари, салоҳияти қиёсланган қизғин фикр алмашувлардан сўнг қуйи ташкилотнинг етакчиси делегатликка лойиқ кўрилди.



**Биз — XXI асрда яшаяпмиз!**
**Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!**
**Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?**

**Нашр индекси: 406**
**Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.**

# ЖАРАЁН

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

## Эришилган ютуқлар хотиржамликка асос бўлмайди

**Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят, шунингдек, туман ва шаҳар кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари томонидан 2014 йилда амалга оширилган ишларни қандай баҳолаш мумкин? Уларнинг ташаббуси билан сессияларга киритилган масалалар, мансабдор шахсларнинг 20 та эшитуви, доимий комиссиялардаги 50 дан ортиқ муҳокама талаб даражасида ташкил этилдими?**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Халқ депутатлари вилоят кенгаши O`zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 августдаги «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, Марказий банк вилоят бош бошқармаси раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Жамоатчилик эшитуви шаклида ташкил этилган яна бир тадбирда аёлларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали уларни доимий иш билан таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, сиёсий саводхонлигини кучайтириш, янги қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорлари мазмун-моҳиятини улар онгига етказиш борасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Депутатлар «Соғлом бола йили» Давлат дастурида ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, йигит-қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш, бу борада тиббиёт муассасалари, хусусан, оилавий шифохоналарда даволаш-профилактика тадбирларига эътибор янада кучайтирилганини таъкидладилар. Шу билан бирга вилоят хотин-қизлар қўмитасига ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шифохоналарни капитал таъмирлаш ёки қайтадан қуриш, барча тиббиёт муассасаларидаги мавжуд даволаш асбоб-ускуналарини мониторинг қилиш, уларни замонавийлаштириш юзасидан соғлиқни сақлаш ва молия бошқармаларига таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилди.

— Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муҳим давлат дастурлари ижросини таъминлаш, марказ ва жойларда қонунчилик талабларига тўла риоя қилинишига эришиш учун ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли депутатлик назоратини амалга оширишга интилаяпмиз, — дейди халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Абдуллажон Норматов. — Зеро, мамлакатни модернизациялаш, эркин демократик жамият барпо этиш билан боғлиқ вазифалар самарадорлиги жойлардаги депутатлик гуруҳлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, албатта. Депутатлик гуруҳларининг вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлашини таъминлаш, фаолиятига оид ҳисоботларни мунтазам эшитиб боришга йўналтирилган ишончли тизим яратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.



Қолаверса, долзарб мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил этиш, депутатлик гуруҳи иш режасига киритилган масалалар юзасидан назорат-таҳлил фаолиятини йўлга қўйиш, унинг якунларини муҳокама қилиш, депутатлик сўрови юзасидан ижро ҳокимияти идораларидан зарур тушунтириш ва маълумотлар олиш, сўров якунларини таҳлил этиш, гуруҳлар билан бошланғич партия ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари юзасидан муҳим таклиф ва тавсия билан чиқиш, муҳокама натижалари бўйича партия ҳудудий кенгашлари ҳамда халқ депутатлари кенгашларига мурожаат қилиш борасида тўпланган тажрибалар ҳам ибратлидир.

Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида O`zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши депутатлик гуруҳи томонидан шаҳар кенгаши сессиясига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида бандлик даражасини ошириш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш, иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш юзасидан учта муҳим масала киритилган.

— Ёшларни иш билан таъминлаш учун ҳудудий дастурлар асосида доимий мониторинг олиб бораяпмиз, — дейди вилоят кенгаши депутатлар билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турсунов. — Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бу йўлдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кенгайтиришга қаратилган вазифалар доирасида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда. Бино ва иншоотлар қуриш учун рухсатнома олиш, коммунал хўжалик ва муҳандислик тармоқларига уланиш, назорат органлари томонидан хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувларга барҳам бериш юзасидан изчил иш олиб борилаяпти. Битирувчиларни тадбиркорликка йўналтириш, улар бандлигини таъминлашда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик қўл келмоқда. Депутатлик гуруҳининг ҳар ойда ўтказиладиган йиғилишида вилоят аҳолисини ўйлантириб келаётган муҳим масалалар диққат марказида бўлади. Хусусан, ичимлик сув, табиий газ ва электр таъминотини яхшилаш, ёшларга молия муассасаларидан имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашиш, касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мақсадимиз — O`zLiDePнинг эзгу ғоялари асосида халқ фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Халқ депутатлари Касби туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи кўмаги билан ташкил этилган тадбиркорлик субъектларида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 80 нафари ишга жойлаштирилди. Йил бошидан буён партия аъзоси бўлган ўттизга яқин тадбиркор ўз фаолиятини йўлга қўйди, ҳудудларда 150 га яқин янги иш ўрни ташкил қилинди. Депутатлар саъй-ҳаракати билан ёрдам сўраб мурожаат қилган 20 дан ортиқ тадбиркорнинг мурожаати ижобий ҳал этилди. Ўтган давр мобайнида 5 нафар масъул раҳбарнинг эшитуви ташкил этилиб, доимий комиссиялар йиғилишига мулкдорлар манфаати билан боғлиқ ўттиздан ортиқ сўровнома киритилди.

— Тўғри, фаолларимиз эл-юрт манфаати йўлида кўпгина хайрли ишларни амалга оширишмоқда. Лекин бу хотиржамлик учун асос бўлолмайди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Орзиқул Шеров. — Қарши шаҳри, Касби, Муборак, Шаҳрисабз туманларидаги депутатлик гуруҳларидан кўнглимиз тўқ. Аммо бошқа туманлардаги депутатлик гуруҳлари самарали фаолият юритмоқда, дея олмаймиз. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, зиммамиздаги устувор вазифалар ижросини тўла таъминлаш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқдик. Мақсадимиз янги йилда қайта шакллантирилган депутатлик гуруҳлари ёрдамида фаолиятимизни янада такомиллаштириш ва шу орқали ислоҳотлар манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилишдир.

## Мўлжалдагидан 1,6 баробар кўп

**Мустақиллик йилларидаги эришган ютуқларимизга назар ташласак, мамлакатимизда барча соҳалар қатори жаҳон стандартларига мос банк тизими шаклланганига ҳам тўла ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, ҳар бир юртнинг иқтисодий салоҳияти ва куч-қудрати, энг аввало, молиявий барқарорлиги билан белгиланади. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган тегишли вазифаларнинг Марказий банк томонидан амалга оширилиши фикримиз тасдиғидир.**

**Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, банклар томонидан 960,2 млрд. сўм миқдорида — Давлат дастурида кўзда тутилган кўрсаткичдан 1,6 баробар кўп кредит маблағлари йўналтирилди. Шу билан бир қаторда тадбиркор аёллар ўртасида «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли» танловида ғолиб бўлган 50 нафарга яқин тадбиркор аёлга 3,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари берилгани эътиборга моликдир.**

**Юртимизда оила азалдан муқаддас ҳисобланади. Ана шу табаррук қўрғоннинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Марказий банк жалб этилган маблағлар ҳисобидан оилаларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг маиший турмуш даражасини ошириш мақсадида намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта турар-жой биноси қурилиши учун 2 трлн. 313 млрд. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилганини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 234,8 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Вилоятларда истиқомат қилаётган ёш оилалар учун 50 дан ортиқ «Камолот» уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.**

**Бир сўз билан айтганда, Марказий банк «Мижоз банк учун эмас, балки банк мижоз учун» шиори остида фаолият юритиб келмоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, хизмат сифати ва маданияти, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшишдир.**

Севара АЗИМОВА,
«XXI asr».

УЧИНЧИ СЕКТОР

## ННТларнинг III Миллий форуми

**Тадбирда дастлаб мазкур форумнинг жойларда ўтказилган ҳудудий босқичлари хусусида сўз юритилиб, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини рўёбга чиқаришда ННТлар иштироки натижалари муҳокама этилди. Шунингдек, 2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили учун ишлаб чиқиладиган Давлат дастурига таклифлар билдирилди**

**Рисолат МАДИЕВА,** «XXI asr»

— 2002 йилдан буён фаолият кўрсатаётган ташкилотимиз оилавий тадбиркорликка асосланган корхоналар очиш истагидаги фуқароларга кўмаклашиб келаяпти, — дейди Бухоро вилоятидаги «Тараққиёт» ННТ раҳбари Воҳид Ниёзов. — Ушбу йўналишда мунтазам равишда ўқув-семинарлар ўтказиб, маслаҳат хизматлари кўрсатишни йўлга қўйганмиз. Шу ўринда турли тадбирлар ўтказиш, меморандумлар имзолашимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ёрдами катта бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ушбу форум эса ННТлар ўртасида тажриба алмашиш учун катта имконият яратди. Фуқаролик сектори вакилларига долзарб ижтимоий вазифаларни амалга оширишда давлат органлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид йўлланмалар берилди. Айниқса, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини экспертлар билан биргаликда муҳокама этганимиз жуда фойдали бўлди.

Тадбир давомида ҳудудий ташкилотлар фаолиятини комплекс қўллаб-қувватлаш, ижтимоий шериклик институтини янада ривожлантириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ННТ ўртасида қатор меморандум ҳамда келишувлар имзоланди. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти, қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди.

## Солиқ қонунчилигидаги янгиликлар

**«Ўзэкспомарказ»да 2015 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган норматив ҳужжатлар, тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўргазмали семинар ташкил этилди**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Маълуки, ўтган йил якунида солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларига доир бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Ходимларга тўланадиган даромадларни легаллаштириш, меҳнатга хақ тўлаш фондига солиқ юкини пасайтириш мақсадида микрофирмалар, кичик корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга, қурилиш соҳасидаги кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

— 2013 йил давомида корхонамизда 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2014 йилнинг олти ойидагина шунча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик, — дейди «Шавкат-шамс» корхонаси раҳбари Аваз Қодиров. — Айтмоқчиманки, кейинги йилларда жорий этилаётган солиқ имтиёзлари туфайли корхона даромади яхшиланмоқда.

«Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Солиқ кодексининг 46 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, кодекснинг 240-моддасига кўра, акциз солиғи бўйича ҳар ўн кунлик тўловлар бекор қилиниб, ойда бир маротаба жорий тўловларни амалга ошириш белгиланди. Яратилаётган бундай имтиёзлар мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Семинар давомида йиғилганларга солиқ қонунчилигидаги янгиликлар моҳияти махсус стендлар, буклетлар, видеороликлар, слайдлар ва бошқа кўргазмали воситалар, тарқатма материаллар ёрдамида батафсил тушунтириш берилди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Нега жадвалда 30 та автомобилнинг 6 таси кўрсатилган?

**«Агробанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан ўтган йилнинг 26-27 декабрь кунлари «Фаровонлик» пул-буюм ютуқли лотерея тиражи ўтказилгандан сўнг «XXI asr» газетаси таҳририятига кўплаб саволлар келиб тушмоқда. Мазкур саволларга атрофлича жавоб олиш мақсадида мухбиримиз «Агробанк»нинг Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи Дилфуза Содиқовага мурожаат қилди**

**— Аввало, лотерея ютуқлари жадвали қайси нашрларда чоп этилгани хусусида тўхталсангиз?**

— Ютуқлар расмий жадвали «Правда Востока» газетасининг 2014 йил 30 декабрдаги ҳамда «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2014 йил 30 декабрдаги сонларида чоп этилди. Бундан ташқари, банкнинг веб-сайтига жойлаштирилди.

**— Лекин www.agrobank.uz расмий сайти тираж эълон қилингандан сўнг рисоладагидек ишламади. Бунга қандай изоҳ берасиз?**

— Жадвални веб-сайтга жойлаштирганимиздан сўнг унга кирувчиларнинг сони кескин ортиб кетди. Бундан ташқари, жорий йилнинг 5 ва 6 январь кунларида банкнинг маълумотларни қайта ишлаш электрон тизимини ноқонуний очиш мақсадида хакерлик ҳужумлари кўпайиб, ушбу ҳаракатлар веб-сайтнинг автоблокировка бўлишига олиб келди. Шу сабабли мазкур сайт ўз ишини вақтинча тўхтатган эди. Аммо ушбу ҳолатлар бартараф этилди ва сайт ўз ишини одатдагидек давом эттирмоқда.

«Фаровонлик» лотерея тираж ютуқлари ҳақидаги ахборотни CLICK тизими ёрдамида мобиль телефонингиз орқали ҳам билиб олишингиз мумкин. Унда сиз *880# териб, керакли пунктни танланг ва чиптангиз рақамини киритинг! Натижани экспресс-сўровнома орқали олиш мақсадида қуйидагини теринг: *880*0120*чипта рақами*разряди*серияси#. Битта сўровнинг нархи 200 сўмни ташкил этади.

**— Айтингчи, 30 та автомобиль ютуққа қўйилган бўлса-да, нима учун расмий жадвалда фақат 6 та ютуқнинг билет рақами ва серияси кўрсатилган?**

— Барча лотерея билетлари 01, 02, 03, 04 ва 05 разрядлар билан чиқарилган. Тираж вақтида ютуқлар 5 та разрядга тааллуқли тарзда ўтказилди. Масалан, серия рақами 003080, билет рақами 047 бўлган лотерея билетига «GM Uzbekistan»нинг «Malibu» автомобиль ютуғи чиқди дейлик, юқорида қайд этилган худди шундай серия рақамидаги ва билет рақамига 01 дан 05 гача бўлган разряддаги серия ва билет рақами тўғри келган мазкур лотерея билетларининг ҳар бирига автомобиль ютуғи чиққан бўлади.

Шундай қилиб, сизнинг билетингизга ютуқ чиққанлигини билиш учун, аввало, жадвалдан билетингизнинг серия рақами тўғри келганлигига ишонч ҳосил қилинг. Агар серия рақами ҳам тўғри келса, унда билет рақамини текширинг. Билетингизнинг серия ва билет рақамлари тўғри келса, сиз рақамлар қаторидаги устунда ёзилган ютуқ эгасига айланасиз. Фақат билетнинг серия рақами тўғри келган ҳолларда 10 000 сўм ютуққа эга бўласиз.

Бундан ташқари, алоҳида 10 000 сўм, 25000 сўм, 50 000 сўм ҳамда 100 000 сўм миқдоридаги пул ютуқларида маълум серия рақами тўғри келса, унда 001 дан 200 гача бўлган лотерея билетлари ютуқли ҳисобланади.

**— Ютуқларни олиш ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— Пул-буюм ютуқли лотерея тиражини ўтказиш шартларига кўра, 10 минг сўмдан 100 минг сўмгача бўлган ютуқлар банкнинг барча филиалларида лотерея тақдим этилган куннинг ўзида берилади. 100 минг сўмдан юқори бўлган ютуқ билетлари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан сўнг ютуқлар ўз эгасига тақдим этилади.

Бундан ташқари, ютуқли лотерея билет эгаларига қулайлик яратиш ва харажатларни қисқартириш мақсадида маиший техника кўринишидаги ютуқлар банкнинг вилоят бошқармаларида, автомобиль ҳамда тракторлар Тошкент шаҳрида — «Агробанк» марказий аппаратида лотереянинг ютуқлар расмий жадвалига асосан ютуқли билетларнинг ўз эгаларига берилади.

Билет эгалари ютуқни олиш учун паспорт тақдим этиши кифоя.

**— Суҳбатимиз якунида ютуқларни тўлаш ва тақдим этиш учун билетларни қабул қилиш бўйича чекловлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги хусусида қисқача гапириб берсангиз.**

— Ютуқларни олиш учун лотерея билетларини тираж ўтказилган кундан бошлаб 100 кун мобайнида тақдим этиш мумкин. Ушбу муддат тугагандан сўнг билетлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва тўловга қабул қилинмайди.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**— Яқинда эҳтиёт қисмлар дўконидан машинам учун хорижда ишлаб чиқарилган тормоз колодкасини харид қилдим. Сотувчи уни роса мақтаб, кўпга чидашини таъкидлаган эди. Бироқ кўп вақт ўтмай у яроқсиз ҳолга келиб қолди. Айтинг-чи, тормоз колодкалари учун аниқ стандарт меъёри мавжудми, ушбу эҳтиёт қисмнинг яроқлилик муддати босиб ўтилган масофа — «пробег» билан ўлчанадими?**

Ш.Раҳимов (Тошкент вилояти)

— Тормоз колодкалари мажбурий сертификатланадиган товарлар рўйхатига киритилган бўлиб, уларнинг яроқлилик муддати босиб ўтилган масофа билан белгиланмайди. Механик яроқлилик муддати эса беш йилдир. Колодкаларнинг тез ишдан чиқиши биринчи навбатда транспорт воситасини қандай бошқаришга кўп жиҳатдан боғлиқлигини унутмаслик лозим. Масалан, тормозни бўлар-бўмасга босиш, катта тезликда ҳаракатланаётган пайтда бирдан тўхташ, ювилган машинани яхши қуримасдан ҳайдаш колодкалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Энг муҳими, дўкондан янги колодка ускунасини харид қилаётганда мувофиқлик сертификатини талаб қилишни унутманг.

**— Пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган автобиль эҳтиёт қисмлар бозорига тушганимда бир сотувчи «тўрт фаслга мўлжалланган», «юмшоқ» ва «чидамли», дея ишонтириб, менга балон сотди. Аммо машинам 20 минг километр масофани босиб ўтмасданоқ мақталган шиналарнинг «тишлари» деярли емирилиб бўлди. Бундай ҳолатга тушмаслик учун нималарга эътибор бериш лозим?**

О. Ҳайдаров (Жиззах вилояти)

— Таъкидлаш жоизки, автомобиль шиналарининг яроқлилик муддати беш йил этиб белгиланган. Бундан кейин эҳтиёт қисм сотиб олаётганингизда резина ғилдирак ёнида қайд этилган маркировкага эътибор беринг. Унда шина қачон қайси давлатда ишлаб чиқарилгани ҳамда қайси фаслга мўлжаллангани тўла баён этилган. Шу сабабли дўконлардан ҳар бир фаслга мўлжаллаб чиқарилган шиналарни харид қилишни маслаҳат берамиз.

**— Маиший техника дўконида бўлганимда менга хорижда ишлаб чиқарилган газ плитасини тавсия этишди. Уни харид қилганимдан кейин кўп ўтмай ускунанинг қаеридандир носозлик пайдо бўлиб, нохуш хид чиқара бошлади. Дўконга мурожаат қилай десам, кафолат муддати тугаган эди. Айтинг-чи, газ плиталари сотувга чиқарилишидан олдин лаборатория текширувидан ўтказиладими?**

О. Мамасолиев (Тошкент ш.)

— Газ плиталари ҳам мажбурий сертификатланадиган товарлар рўйхатига киритилган. Хорижда ишлаб чиқарилган газ плиталари сертификатлаштирилаётганда уларнинг бир қисми махсус лаборатория (дейлик, 10 та ёки 20 та плитадан уч-тўрттаси) синовидан ўтказилади. Газ плиталаридан фойдаланиш муддати ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 10 йил этиб белгиланган. Сотилган плиталарга эса 2 йиллик кафолат берилади. Плитангизнинг кафолат муддати ўтиб кетган бўлса, унда мавжуд камчиликни туман газ бошқармасидан мутахассисни чақириб, бартараф этганингиз маъқул.

**Саволларга «Тошкент синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мутахассиси Жавоҳир Розиқов жавоб берди.**

# «Темир тулпор»лар таъсири

**Ҳозир ҳаётни автомобилларсиз тасаввур қилиш қийин. Зеро, ғилдиракли ёрдамчилар узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилишдан ташқари умримизни шодлик ва қувончга тўлдириш, ўзимиз ва яқинларимизга замонавий қулайликлардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратиб келмоқда**

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

Дастлабки автомобиль (пружинали узатма ёрдамида ҳаракатланувчи қурилма) чизмалари XVI асрда италиялик олим ва ихтирочи Леонардо да Винчи томонидан қоғозга туширилган бўлса-да, унинг бирон-бир намунаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган.

1769 йилда франциялик Никола-Жозе Кюньо буғ двигатели ёрдамида юрадиган машинани синовдан ўтказишга муваффақ бўлди. Нафақат автомобиль, балки паровозлар «аждоди» сифатида эътироф этилган мазкур қурилма XIX асрда Европанинг аксарият давлатларида йўловчиларга хизмат қилган бўлса-да, тоши оғир, шунингдек, катта харажат талаб этгани боис оммалашмади.

Кўп ўтмай, ҳар томонлама қулай, енгил ва ихчам ички ёнув двигателининг кашф этилиши автомобилларнинг транспорт сифатида ривожланишида янги имкониятлар эшигини очиб берди. 1885 йилда германиялик Готтлиб Даймлер, 1886 йилда эса унинг ватандоши Карл Бенц бензинли двигателлар ёрдамида ҳаракатлантириладиган ихтироларини патентлашга муваффақ бўлади. 1895 йилда жаноб Бенц автобусни юргизган бўлса, унинг рақобатчиси — Даймлер 1896 йилда такси ва юк автомобилини ишлаб чиқаради. Шу тариқа XIX аср охирларида Германия, Франция ва Англияда автомобилсозлик саноатига асос солинади.

XX аср бошларида электромобиллар ҳамда буғ ёрдамида ҳаракатланувчи уловларга эътибор қаратилади. Хусусан, 1900 йилда АҚШ автопаркининг қарийб ярмини «парда юрадиган» машиналар ташкил қилган бўлса, 1910 йилда Нью-Йорк кўчаларида ҳаракатланувчи электромобиллар сони 70 мингтага етади. Айнан шу даврда германиялик ва голландиялик муҳандислар томонидан тўртта ғилдираги ҳам «тортадиган», шунингдек, одатдагига нисбатан катта тезликда ҳаракатлана оладиган пойга уловларининг конструкциялари тайёрланади. 1923 йилда эса Карл Бенцга қарашли автокомпания дизель двигатели ёрдамида ҳаракатга келувчи юк машиналарини ишлаб чиқара бошлайди.

Шу ўринда 1910 йилда конвейерли ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Генри Форд автомобилсозликни XX асрнинг тез тараққий этган саноати даражасига етишига салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлаш жоиз. Энг муҳими, дунё автомобилсозлигининг ривожланиши жаҳон миқёсида қора ва рангли металлургия (машина кузови, мотор, радиатор, карбюратор ва бошқа эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш), электротехника (ўт олиш ва ёритиш мосламалари, аккумулятор, генератор) ва кимё саноати (резина ғилдираклар, бўёқлар, пластмассали эҳтиёт қисмлар) каби йўналишларда фаолият кўрсатувчи корхоналарда иш ҳажмининг ортишига сабаб бўлди.

**АВТОМОБИЛЛАР ИХТИРО ҚИЛИНИШИ БИЛАН БЕМИННАТ ЁРДАМЧИЛАРИМИЗНИНГ ТУРЛИ ХИЛДАГИ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН ЖИҲАТЛАРИ ЎЗИНИ КЎРСАТА БОШЛАГАНИНИ АЙТИБ ЎТИШ ЛОЗИМ.**

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳар томонлама зарар кўриб, инқироз ёқасига келиб қолган Европадан фарқли равишда АҚШ ўзининг автомобиль саноатини ривожлантиришга эришди. Хусусан, нариги қитъада олиб борилаётган жанглардан фойдаланиб қолган америкаликлар уруш тугагунича «ленд-лиз» шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларга уч миллиондан ортиқ енгил ва юк автомобилларини сотади.

1950-йилларда Японияда «Toyota» фирмаси томонидан «кайдзен» (японлар таълимоти) тамойилларига асосланган ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини оширишнинг эгилувчан, яъни турли жараёнларга мослаша оладиган, кейинчалик «Тойота услуби» (эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш, ишчи кучи учун сарфланадиган харажатларни қисқартириш, янги муҳандислик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш) сифатида бутун дунёга тарқалган тизим жорий этилди.

Ана шу тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда саноатга аввал автоматик усулда бошқариладиган линияларни олиб кириб, ишлаб чиқаришнинг инсон саломатлигига зарар етказадиган (бўяш) ҳамда нисбатан катта масъулият талаб этадиган (пайвандлаш) жараёнларида роботлар хизматидан фойдаланган японлар, кейинчалик электрон коммуникация ва логистика ёрдамида жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Охир-оқибат 80-йиллар якунида жаҳон автомобилсозлик соҳасидаги етакчиликни америкаликлардан тортиб олишнинг уддасидан чиқадилар. Бинобарин, бу даврга келиб харидорлар АҚШ автосаноатининг «кучли учлиги»дан ўрин олган «General Motors», «Chrysler» ва «Ford» компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган бир мунча қиммат ва катта ҳажмдаги автомобилларни эмас, «Toyota», «Nissan», «Honda», «Mitsubishi», «Suzuki» концернларининг нисбатан арзон ва ихчам уловларини афзал кўра бошладилар.

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида Хитойда мамлакат автосаноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий компанияларни солиқлардан озод қилиш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилди. Шу тариқа жаҳон автосаноати бозорига шиддат билан кирган Чин юрти ўн йилликнинг охирларида (2010 йилда мамлакат компаниялари конвейерларидан 2009 йилга нисбатан 32,4 фоиз кўп, яъни 18,26 млн. дона автомобиль чиқарилади) ҳеч қандай қийинчиликсиз мамлакат корхоналарида ишлаб чиқарилган автомобиллар сони бўйича АҚШ ва Японияни ортда қолдиришга эришади. Шу ўринда жаҳон молиявий инқирози Хитойдан фарқли ўлароқ, Европа, АҚШ ва Япония автосаноатига жиддий путур етказганини айтиб ўтиш лозим. Бунга 2008 йилнинг кузида «General Motors» ва «Chrysler» каби йирик компанияларнинг сўнгги чора сифатида давлат хазинасидан бир неча миллиард доллар миқдорида кредит олгани, Европада эса 2009-2013 йилларда саккизта автомобиль заводи ўз ишини тўхтатгани далолат бўла олади. Эътиборлиси, «Lifan», «Hafei», «Great Wall», «Chery» ва BYD каби брендлар остида Хитойда ишлаб чиқарилган автомашиналарнинг асосий қисми (деярли 95 фоизи) ички бозорда сотилади. Бор-йўғи 300-400 минг дона (асосан йўловчи ва юк автомашиналари) автоуловлар бошқа мамлакатларга экспорт қилинади.



Кези келганда, автомобиллар ихтиро қилиниши билан беминнат ёрдамчиларимизнинг турли хилдаги салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган жиҳатлари ўзини кўрсата бошлаганини айтиб ўтиш лозим. Масалан, 1896 йилнинг 30 майида Нью-Йорк шаҳри кўчаларида ўз машинасида велосипедни туртиб юборган Генри Уэлс биринчи йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқарган бўлса (ушбу ҳолатда жабрланувчининг оёғи синган), инсон ўлими билан якун топган дастлабки ЙТҲ (ўшанда нью-йорклик таксичи пиёдани уриб юборади) 1899 йилда содир этилган. Сўнгги маълумотларга кўра, транспорт воситалари иштирокидаги ҳодисалар оқибатида ҳар йили 1,2 млн. киши ҳалок бўлиб, яна 20-50 млн. нафар одам турли даражадаги жароҳатларни олади. Бундан ташқари, айни кунда автомобиллардан чиқадиган газлар атмосферага чиқариладиган жамики ис газларининг 17-18 фоизини ташкил этаётгани ҳам сўзимизга далил бўла олади. Шу сабабли ҳам 80-йиллар охирларидан автомобилларни қўшимча қулайликларни тақдим этувчи ускуналар билан таъминлаш, хусусан, «темир тулпор»ларга хавфсизлик, диагностик ва навигация тизимларни ўрнатиш, машиналарни ўзига хос компьютерлар билан жиҳозлаш анъанага айланди. XXI аср бошларида эса автобилсозлар ички ёнув двигателларини экологик ва иқтисодий талабларга жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш, хусусан, дизель ёнилғисининг янги турлари, биоёнилғилар асосида, шунингдек, гибрид (ИЁД + электромотор + аккумулятор) моторлар ёрдамида ишлайдиган автомобилларни яратишга эътибор бера бошладилар.

Тан олиш жоиз: Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда пайдо бўлган автомобиль саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Бинобарин, бунга Юртбошимизнинг 1992 йил июнида Корея Республикасига амалга оширган расмий ташрифи давомида, аниқроғи, «Daewoo Motors» корпорацияси фаолияти билан танишиш чоғида тамал тоши қўйилган эди. Аҳамиятлиси, ана шу ташриф самараси ўлароқ, 1993 йилнинг мартида юртимизда «UzDaewooAvto» қўшма корхонаси ташкил этилган бўлса, уч йиллан сўнг очилган завод конвейерларидан «Damas», «Matiz», «Nexia» автомобиллари чиқа бошлади. 2008 йилда эса «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан АҚШнинг «General Motors» заводи билан ҳамкорликда Асака заводи ўрнида янги қўшма корхона таъсис этилди. «Captiva», «Spark», «Malibu», «Cobalt», «Gentra», «Orlando» русумидаги енгил машиналарни ишлаб чиқариб, маҳсулотни қўшни давлатларга экспорт қилаётган автокорхона бугунги кунда Ватанимиз, меҳнаткаш халқимиз салоҳиятининг яққол намунаси сифатида эътироф этилмоқда.

Ўз навбатида, мамлакатимиз автомобиль саноати йилдан-йилга мавжуд имкониятларни кенгайтириб бораётганини айтиб ўтиш лозим. Сўзимизга ўтган давр мобайнида Самарқанд вилоятининг ўзида автобус, юк автомобиллари ва махсус техникаларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган иккита корхона («SamAvto» ҳамда «JV MAN Auto-Uzbekistan») ташкил этилгани, 2008 йилдан буён эса Тошкентда автомобиль двигателлари заводи (ЁАЖ «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси) фаолият юритаётгани далолат бўла олади.

Шак-шубҳа йўқки, дунё автомобиль саноати бундан кейин ҳам ривожланиб, мамлакатлар иқтисодиётини белгилаб берувчи асосий омил бўлиб қолаверади. «Темир тулпор»лар эса инсоннинг энг яқин мададкори вазифасини бажаришда давом этади.

## ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР



### Афюнфурушларнинг аянчли тақдири

Шу йилнинг 16 январидан 17 январига ўтар кечаси Индонезияда гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланганликда айбланган олти кишига нисбатан суд томонидан чиқарилган ўлим жазоси ҳукми ижро этилди. Маълумотларга кўра, қатл қилинганлардан беш нафари ажнабий фуқаролар бўлган. Таъкидлаш жоизки, ўлим жазоси бир қатор мамлакатларнинг жиноятчилар учун бошқа жазо тайинлаш бўйича билдирган мурожаатларга қарамасдан амалга оширилган. DutchNews онлайн нашрининг хабар беришича, бугунги кунда Индонезияда яна 130 нафар (64 нафари гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этган) киши ўлим жазоси бўйича чиқарилган ҳукмларнинг ижро этилишини кутяпти.



### Компьютердан эҳтиёт бўлинг!

Тайванлик 32 ёшли геймер қарийб уч кун давомида компьютердан бошини кўтармай, ўйин ўйнаганидан сўнг ҳаётдан кўз юмди. Хабарларга кўра, компьютер клубининг бошқа фойдаланувчилари уни ухлаяпти деб ўйлаб, бу ҳолатга аҳамият беришмаган. Аммо кўп ўтмай, интернет-кафе маъмури мижознинг вафот этганини билган. Тиббиёт ходимларининг маълум қилишича, компьютер ўйинлари «шинаванда»си ҳаддан ташқари чарчагани сабабли унинг юраги дош беролмай қолган. Шунинг учун ҳам шифокорлар компьютерда узоқ вақт ишлаб ёки ўйин ўйнаб ўтирадиганларга ҳар икки соатда бир марта туриб юриш ҳамда бадантарбия қилишни маслаҳат беришади.



### Кучукча йилига 100 минг доллар олади

Нью-Йоркда истиқомат қиладиган миллионер аёл Роуз-Энн Боласни «Белла Миа» лақабли урғочи итини ўз васиятномасига киритди. Унга кўра, аёлнинг ўлимидан сўнг бу ит ҳар йили 100 минг АҚШ доллари миқдорида мерос пули олиб туради.

— «Белла Миа» мен учун қизимдек бўлиб қолган. У ҳашаматли ҳаётга ўргангани учун вафотидан кейин ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслигини хоҳлайман, — дейди 60 ёшли Боласни.

Аёлнинг икки ўғли итнинг васиятномага киритилишига қарши эмас. Маълум бўлишича, Мальта болонкаси зотига мансуб уч ёшли кучукчанинг Боласни хонадонида алоҳида ётоқхонаси, ҳар хил кийим-кечаклару пойабзаллар сақланадиган катта гардероби бор.

ЭЪЛОН

## ИТОГИ ТЕНДЕРНЫХ ТОРГОВ, ОРГАНИЗОВАННЫХ ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ КОНКУРСНОЙ КОМИССИЕЙ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН ОТ 26 НОЯБРЯ 2014-ГОДА

| № | Наименование объектов | Месторасположение | Подведомственная принадлежность | Итоги проведенного конкурса | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Сумма инвестиции (млн.сум) | Срок внесения инвестиции | Создаваемые новые рабочие места (штук) |
| 1 | Здание универмага ликвидированной Агропромышленной компании «Каракалпак тутыныу» | Республика Каракалпакстан. Тахтакупырский р-н, ул. Дустлик гузары | Хокимият Тахтакупырского района | 309,058 | 9 месяцев | 26 |

## КОМИТЕТ ПО ПРИВАТИЗАЦИИ, ДЕМОНОПОЛИЗАЦИИ И РАЗВИТИЮ КОНКУРЕНЦИИ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН ОБЪЯВЛЯЕТ О ПОВТОРНОМ ПРОВЕДЕНИИ КОНКУРСА

Уважаемые предприниматели!

Комитет по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан приглашает на повторные тендерные торги по продаже государственных объектов по «нулевой» стоимости, согласно постановлениям Президента Республики Узбекистан от 25.04.2012г за №ПП-1743 «О программе приватизации государственного имущества на 2012 – 2013 годы» и Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31.05.2012г за №ПКМ-154 и в соответствии с протокольным решением Государственной комиссии по проведению тендерных торгов при продаже государственного имущества иностранным инвесторам от 23.10.2012 года за №02-02-8-36.

**Дата проведения повторного конкурса – 24 февраля, 13 и 27 марта, 15 и 30 апреля, 15 и 29 мая, 15 и 29 июня, 15 и 30 июля, 17 и 31 августа, 15 и 30 сентября, 15 и 30 октября, 16 и 30 ноября, 15 и 30 декабря 2015 года в 11.00 часов.**

Место проведения повторного конкурса – Территориальная конкурсная комиссия – Совет Министров Республики Каракалпакстан.

К участию в конкурсе допускаются все изъявившие желание физические и юридические лица, включая нерезидентов Республики Узбекистан (иностранных инвесторов).

Для участия в конкурсе инвестор, не позднее чем за три дня до даты проведения конкурса, представляет на рассмотрение конкурсной комиссии предложения, которые включают три независимые части, запечатанные в отдельные конверты:

- заявительная документация;
- технические предложения;
- финансовые предложения.

**Заявительная документация:**

1. Для юридического лица: заявка на участие в конкурсе (по форме представляемой Комитетом по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан), нотариально заверенные копии учредительных документов и свидетельства о регистрации предприятия, аудиторское заключение по итогам предыдущего года, копии финансовой отчетности за последний отчетный период, информация о проводимой работе и об опыте работы в Республике Узбекистан и в других государствах.

2. Для физического лица: копия паспорта с указанием места жительства, справка банка о наличии средств на счету претендента или гарантийное письмо банка о предоставлении кредита, сведение об опыте работы претендента в отрасли, в которой планируется использование объекта продажи.

**Техническое предложение.**

Техническое предложение готовится в стандартной форме Бизнес-плана и включает в себя предложения по организации производства, реконструкции и техническому перевооружению, по организации сбыта продукции, развитию экспортно-импортных отношений, организации управления, кадровой политики и социальным вопросам.

**Финансовое предложение** должно включать инвестиционную программу с указанием объемов и установленных сроков ее выполнения, перечень поставляемого оборудования (если такое предусмотрено), его технологические параметры, ассортимент выпускаемой продукции, используемое сырьё, мероприятия по повышению эффективности производства, использование имеющегося оборудования и производственных площадей, ожидаемый экономический эффект и т.д.; условия внесения инвестиционных обязательств.

Заявительная документация вкладывается в конверт с четкой надписью «Заявительная документация», технические предложения вкладываются в конверт с четкой надписью «Технические предложения», финансовые предложения инвестора вкладываются в конверт с четкой надписью «Финансовые предложения». Эти три конверта запечатываются в один общий конверт, на котором указывается адрес конкурсной комиссии. На конверте должно быть четко написано: «Не вскрывать, кроме как в присутствии конкурсной комиссии и не ранее (время, дата)».

Лица, изъявившие желание участвовать в конкурсе должны направить документы в Территориальную конкурсную комиссию по адресу: Комитет по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан (г.Нукус, ул.А.Тимура 112-А).

По всем вопросам, связанными с условиями проведения конкурса, обращаться в Комитет по приватизации, демонополизации и развитию конкуренции Республики Каракалпакстан.

**Телефон для справок: 222-02-87, 222-02-83, 222-02-12. факс: 222-02-75, 222-11-68.**

| № | Наименование объектов | Месторасположение | Подведомственная принадлежность | Условия конкурса | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Минимальная сумма инвестиции (млн.сум) | Срок внесения инвестиции (год) | Создаваемые новые рабочие места (штук) |
| 1 | Касб-хунар коллежининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси | Республика Каракалпакстан, г.Тахиаташ, ул.Хужайли №3 | Хакимият | 1500 | 2 | 100 |
| 2 | Болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси | Республика Каракалпакстан, г.Тахиаташ пос. МО-14 | Хакимият | 700 | 2 | Жилой дом |
| 3 | 2 каватли мактабгача таълим муассасининг фойдаланилмай буш турган эски биноси | Республика Каракалпакстан. Берунийский район, ССГ «Шимом» | Хакимият | 400 | 2 | Жилой дом |
| 4 | Незавершенные строительством здание и сооружения грензавода на 25 тыс. единиц шелкопряда | Республика Каракалпакстан, Амударьинский р-н, ДФХ «Амир Темур» | Министерство сельского и водного хозяйства | 1500 | 2 | 40 |

**ПРИМЕЧАНИЕ:** Победитель тендера, в течение 10 дней после признания его победителем, обязан обеспечить проведение оценки объекта тендера независимой оценочной организацией. При этом затраты на оплату оценочных услуг покрываются победителем тендера.

# СЎНГГИ САҲИФА

## «Камолот» уйларида камол топинг!

**Самарқандда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида матбуот анжумани ўтказилди.**

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Қулматов мазкур қарор билан тасдиқланган дастурда кўзда тутилган вазифаларнинг ижроси ҳақида журналистларга атрофлича маълумот берди. Таъкидланишича, ўтган даврда ёшларни давлат ҳокимияти тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, бошқарма ва идораларда турли учрашувлар уюштирилган. Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмоний камол топтиришга қаратилган «Шунқорлар», «Ёш чегарачи» каби спорт мусобақалари, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Менинг бизнес ғоям» кўрик-танловлари шулар жумласидандир.**

**Тадбир ташкилотчилари 2015 йилда бу борада олиб бориладиган ишлар самарасини янада ошириш режаси тайёрланганини айтиб ўтдилар. Масалан, вилоят бўйича «Камолот» ЁИҲнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари ёрдамида уюшмаган ёшларни фаол йигит-қизлар сафига қўшиш мақсадида ҳудудда бир қатор тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган.**

**Айни пайтда вилоятнинг Пастдарғом, Жомбой ва Иштихон туманларида ёш оилалар учун «Камолот» уйлари бунёд этилаётгани, анжуман сўнгида журналистлар айнан ана шу мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

## Бўлажак божхоначилар баҳоси

**Давлат божхона қўмитасида бўлажак божхоначиларнинг ҳарбий ва жанговар тайёргарлиги юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.**

**Унда таъкидланганидек, божхона тизими фаолиятининг самарадорлиги ҳар жиҳатдан юқори малакали кадрлар салоҳиятига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам 2003 йилда Солиқ ва божхона академиясининг «Божхона иши» факультети негизида Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилганлиги кўпчиликка маълум.**

**Бугунги кунда мазкур институтдаги 2 та факультетда тингловчиларга божхона иши ва божхона ҳуқуқига оид чуқур билим берилмоқда. Битирувчининг юқори маданиятли, жисмонан бақувват бўлиб етишишига алоҳида эътибор қаратилаётир.**

**— Ҳарбий ва жанговар тайёргарлик машғулотларида талабаларга замонавий қурол-аслаҳалардан фойдалана олиш сир-асрорлари ўргатилмоқда, — дейди подполковник С.Ғуломов. — Бўлажак божхоначиларнинг маънавий камолотини юксалтириш, она Ватанга муҳаббатини янада мустаҳкамлаш, бурчга содиқлик туйғуларини шакллантириш масалалари кундалик ишимизга айланган.**

**Тадбир якунида тингловчилар ҳарбий тайёргарлик бўйича кўргазмали чиқишлар ва ўқ отиш бўйича маҳоратларини намойиш қилишди. Йиғилганлар эса уларнинг интилишига муносиб баҳо беришди.**

Фахриддин НУРАЛИЕВ.



# Мельбурн стадионидаги муваффақият

**Австралияда давом этаётган Осиё кубогининг учинчи турида Саудия Арабистони терма жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, плей-офф босқичига йўл олган футболчиларимиз бугун бўлиб ўтадиган чорак финал учрашувида Жанубий Корея терма жамоасига қарши тўп сурадилар**

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
«XXI asr»

Маълумки, гуруҳ босқичининг сўнгги ўйинида терма жамоамизни фақат ғалаба қаноатлантирарди. Шу боис Миржалол Қосимов мазкур учрашув арафасида таркибга бир қатор ўзгартириш (Сервер Жепаров, Тимур Кападзе, Санжар Турсунов, Игорь Сергеев ва Акмал Шораҳмедов захирада қолдирилган бўлса, Жамшид Искандаров, Шуҳрат Муҳаммадиев, Жасур Ҳасанов, Баҳодир Насимов ва Сардор Рашидов каби футболчилар майдонга ўйиннинг биринчи дақиқаларидан туширилдилар) киритишга қарор қилди. Бундай ноанъанавий ёндашув учрашувнинг бошидаёқ ўз самарасини берди. Зеро, ўйиннинг 2-дақиқасида рақиб ҳимоячиларининг хатосидан унумли фойдаланган Сардор Рашидов дарвозабон билан юзма-юз чиқиб, тўпни посбоннинг оёқлари орасидан ўтказиб, ҳисобни очишнинг уддасидан чиқди — 1:0.

Очиғи, беллашувнинг бундай бошланиши рақибни карахт аҳволга солиб қўйди. Ўз навбатида, ҳамюртларимиз яна 15 дақиқа давомида катта устунликка эришиб, хавфли вазиятларни юзага келтирдилар.

Бўлим ўрталарига келиб ўйин тенглашгач, Саудия Арабистони футболчилари ҳужумга ўта бошладилар. Бироқ ҳимоячиларимиз бехато ҳаракат қилиб, рақибга имконият бермадилар.

59-дақиқада учрашув бош ҳаками, австралиялик Бенжамин Уильямс кўпчиликни ҳайратга солиб, миллий терма жамоамиз дарвозаси томон пенальти белгилади. Гарчи бу ҳолатда Игнатий Нестеров чап қанотдан оширилган тўпни баланд сакраган ҳолда эгаллаб, хавфни бартараф этган бўлса-да, рефери бироз нарироқда ҳужумчи билан тўқнашиб кетган Виталий Денисовни айбдор деб топди. Муҳаммад Саҳлавий томонидан амалга оширилган пенальтидан сўнг ҳисоб тенглашди — 1:1.

Шундан кейин терма жамоамиз аъзолари ўйин суръатини ошириб, ташаббусни яна ўз томонларига оғдириб олишга муваффақ бўлдилар.

66-дақиқада майдонга Воҳид Шодиев тушди. Айнан шу ўзгариш ўйин тақдирини ҳал қилди, десак адашмаймиз. Бинобарин, 71-дақиқада ўнг қанотдан жарима майдончасига оширилган тўпни боши билан дарвозага аниқ йўллаган Воҳид ҳисобни 2:1 га ўзгартирди.

Саросимага тушиб қолган саудияликлар ҳисобни тенглаштириш учун катта куч билан олдинга ташландилар. Аммо бу нарса футболчиларимизга қўл келди. Бинобарин, рақибни қарши ҳужум услубида жазолай олган йигитларимиз ҳисобдаги фарқни оширишга эришдилар: 79-дақиқада Жасур Ҳасанов чап қанотдан рақибларидан ўзига хос усулда қочиб кетиб, тўпни Сардор Рашидовга оширди. Истеъдодли ярим ҳимоячимиз эса тўпни дарвозага аниқ йўллаган ҳолда учрашув қаҳрамонига айланди.

Ўйиндан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида беллашув ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашган Миржалол Қосимов барча режалари амалга ошганини маълум қилди.

— Мухлислар ишончини оқлаганимиздан хурсандман. Гуруҳдан чиқиш вазифаси бажарилди. Энди галдаги вазифани бажариш учун бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз, — деди мураббий. — Очиғини айтиш керак: мухлислар «ЖЧ-2014» саралаш босқичи доирасида Жанубий Корея терма жамоасидан қабул қилинган аламли мағлубиятни эсдан чиқармаганини аниқ. Буни йигитлар ҳам ҳис қилиб туришибди. Реванш олиш учун тайёрмиз.

«Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимизда тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш, ғоя ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига шахсий, оилавий фаровонликка, умуман, жамият фаровонлигига интилувчи барча фуқароларни бирлаштиради».

O`zLiDeP Дастуридан.

## Денгиз карамидан даромад топаётган оила

**Инсон ҳалоллик билан қадр ва эъзоз топади. Машаққатли меҳнатнинг таги эса, албатта, роҳатдир**



Ўрта Чирчиқ тумани «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Оппоқ» маҳалласида истиқомат қилган раҳматли Эркабой ака Мусаев хонадонида 3 сотих майдонда иссиқхона ташкил этилган бўлиб, оилага яхшигина даромад келтирмоқда. Бугун иссиқхона ишини меҳнатда тобланиб, вояга етган кичик фарзанд — Элмурод юритмоқда. Ҳозир бу ерда икки минг тупдан ортиқ денгиз карами парваришланмоқда.

Элмурод биз билан суҳбатда мазкур экиннинг ҳар тупи 1,5-2 килограммдан тош босиши ва кутилаётган ҳосил 4-4,5 тоннани ташкил этишини айтди. Денгиз карами дастурхон кўрки бўлибгина қолмай, ундан турли хил сервитамин салатлар ва мазали таомлар тайёрлаш мумкин.

Мулоқот давомида ёш тадбиркор O`zLiDeP фаолияти, унинг дастурий ғоя ва мақсадларига қизиқиши тобора кучаяётгани, мазкур сиёсий куч сафида бўлиш истаги туғилганини билдирди.

**Равшан МИРЗАҚУЛОВ.**

## Қорин ҳам мусиқани яхши кўради

**Санъат асарларининг инсон саломатлигига ижобий таъсири қадимдан маълум. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида асаб, паришонхотирлик хасталигига чалинган беморларни мусиқа воситасида самарали даволаш мумкинлигини баён этган.**

**Француз шифокори Ж.Д.Роже (XVIII-XIX аср) най оҳанги бўрилар ваҳшийлигининг олдини олиши, ўз уясини тарк этаётган ариларни орқага қайтаришини ёзиб қолдирган.**

**Хитой ва Ҳиндистонда паришонхотирлик (меланхолия) хасталигини даволашда ҳозирги кунда ҳам мусиқадан кенг фойдаланилади. Германия ва Италия шифокорлари эса дудуқланиш хасталигини мусиқа садоси таъсирида даволайдилар.**

**XIX асрда франциялик шифокор Жозеф Рекомье қорин оғриғи билан хасталанган беморларнинг асаби бузилишини яхши билган ва уларга: «Қорин ритм мусиқани яхши кўради, шунинг учун барабан садоси остида овқат истеъмол қилинг», деб буюрган.**

**Узоқ Шарқ халқлари айрим касалликларни шомонлар томонидан ижро қилинадиган ритмик ашула ёхуд ўйин воситасида даволаганларини ҳам эшитганмиз.**

**Бундай даволаш усуллари замонавий тиббиётда ҳам қўлланилмоқда. Бунда беморнинг қайси миллатга тааллуқли эканидан қатъий назар кўпроқ туркий мусиқалардан фойдаланилаётгани оҳангларимизнинг нечоғли ҳаётбахшлигидан далолатдир.**

Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

**«Жисмоний шахслар учун белгиланган турар ва нотурар жойларни ижарага беришнинг энг кам ставкалари 2015 йилда қанча миқдорда белгиланди?**

Садриддин КОМИЛОВ,
Тошкент вилояти».

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги қарорига мувофиқ, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари тасдиқланиб, ўтган йилги даража сақлаб қолинди. Хусусан, ижара тўловининг энг кам ставкалари:

— турар жойни ижарага беришда 1 кв. метр учун Тошкент шаҳрида — 3000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсинувчи шаҳарларда — 2000 сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 1000 сўм;

— нотурар жойларни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида — 6000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятларга бўйсинувчи шаҳарларда — 4000 сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 2000 сўм қилиб белгиланди.

**Саволга Бектемир тумани ДСИ бўлим бошлиғи Бегзод Очилов жавоб берди.**

## «Гулистон» гулистон бўлмоқда

Мирзаобод туманининг энг чекка ҳудудларидан бири — «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор Хосият Тўйчиеванинг саъй-ҳаракати билан яқинда бу ерда гўзаллик салони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Илгари тўйи бўлаётган қизлар келинлик либосларини танлаш, сочларини турмаклаш учун вилоят марказига қатнашига тўғри келган, — дейди Х.Тўйчиева. — Энди шундай оворагарчиликка чек қўйилди. Бунинг учун салонимизда мижозларга беш нафар малакали мутахассис хизмат кўрсатаяпти.

Шунингдек, «Навбаҳор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Асилбек Каттабеков ҳамда «Гулистон» МФЙ раиси Одилжон Умаров ташаббуси билан қишлоқнинг ички кўчаларида жами 12 километрлик йўлни асфальтлаш, «Кичкинтой» болалар боғчасини таъмирлаш, шунингдек, электр трансформаторларни янгилаш каби ишлар амалга оширилганини айтиб ўтиш лозим.

**Дилора ЭСОНОВА.**

## МУТОЙИБА

**— Эшитишимча, қўшниларинг жуда аҳил, худди қўш кабутардай яшармиш?**
**— Тўппа-тўғри! Гоҳ хотини ойнадан учиб чиқади, гоҳида эри.**

***

**Бир бола ўртоғига мақтанибди:**
**— Мени дадам сени дадангга қарз берган, биласанми шуни?**
**— Сен-чи, дадам шу қарзни қайтариб бермаслигини биласанми?**

***

**— Банкоматни бузиб, пул олиш учун хакер қандай йўл тутади?**
**— Қўлига болға ва ноутбукни олиб, банкомат олдига келади. Уни болға билан бузиб, пулни олади.**
**— Унда ноутбук нега керак?**
**— Ие, ноутбуксиз хакер-хакерми?!**

***

**Профессор:**
**— 1565 йили нима бўлган?**
**Талаба:**
**— Шекспир туғилган.**
**— 1566 йилда-чи?**
**— Шекспир бир ёшга тўлган.**

## РЕКЛАМА




XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 1924 Тираж: 17097

Баҳоси келишилган нархда.

Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

**Навбатчилар:**
**Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.**